

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

Шахбазова Нигина Дилшод қизи

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**5А350301 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида
иқтисодиёт ва менежмент**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., профессор Т.К.Иминов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: АКТ соҳасида иқтисодиёт
ва менежмент Магистратура талабаси: Н.Д.Шахбазова
Кафедра: Менежмент ва маркетинг Илмий раҳбар: Т.К.Иминов
Ўқув йили: 2014-2015 Мутахассислиги: 5А350301 – Ахборот-
коммуникация технологиялари соҳасида
иқтисодиёт ва менежмент

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: Алоқа корхоналари инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасидаги муаммони мажмуавий тарзда ўрганиш, республикада маъқул инвестиция муҳитини яратиш, алоқа корхоналарининг инвестицион жозибдорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий маслаҳатлар ва ечимлар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини асослайди.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Тадқиқот мақсади алоқа корхоналарида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот ишида белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади: Инвестиция фаолияти ва унинг моҳиятини ёритиш, инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ёритиб бериш, «Ўзбектелеком» АК фаолияти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини ёритиш, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишларини кўрсатиш, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот ишида объект сифатида «Ўзбектелеком» АК танлаб олинган. «Ўзбектелеком» АКга жалб қилинган инвестициялардан фойдаланиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ва компаниянинг асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлили тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Тадқиқотни олиб бориш жараёнида таққослашга асосланган, график, таҳлилий, иқтисодий-математик ва тизимли таҳлил услубларидан ўринли фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: Инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ёритиб берилган, «Ўзбектелеком» АК фаолияти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни кўрсатилган, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, «Ўзбектелеком» АК

инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи: Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда инвестиция фаолиятини самарали ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялардан фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади. Тадқиқот натижасида келтирилган таклифлар ва мулоҳазалар республикамиз иқтисодиётини, қолаверса алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инвестиция фаолиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, “Ўзбектелеком” АК ва унинг филиалларида инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда қўлланиши мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби: Диссертация кириш қисмидан, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 83 бетдан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари: Инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ёритиб берилган, «Ўзбектелеком» АК фаолияти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни кўрсатилган, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган, «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси: Кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш, маркетинг сиёсатини инвестицион фаолият соҳасида кенгайтириш, “Ўзбектелеком” АК UZMOBILE филиали хизматларидан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш мақсадида хориж инвестициясини жалб этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, Давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш орқали, яъни ижтимоий инфратузилмаларига телефон ва интернет хизматларини кўрсатиш орқали давлат томонидан турли имтиёзларга эга бўлишни таъминлаш, “Ўзбектелеком” АК UZMOBILE филиали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича амалий ишларни олиб бориш, “Ўзбектелеком” АК тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда истеъмолчиларнинг истиқболдаги талабларини тўлиқ қондириш, “Ўзбектелеком” АК тармоғи орқали рақамли ТВ ҳамда радиоэшиттиришларни жорий қилиш ва такомиллаштириш, интеллектуал ва бошқа хизматларни ривожлантириш бўйича истиқболли режалар ишлаб чиқиш ва бу жараёнларга инвестицияларни жалб этиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Илмий раҳбар

(имзо)

Магистратура талабаси

(имзо)

**MINISTRY FOR DEVELOPMENT OF INFORMATION TECHNOLOGIES
AND COMMUNICATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT UNIVERSITY OF INFORMATION TECHNOLOGIES**

Faculty: Economic and management in
ICT

Masters degree student: N.D.Shahbazova

Department: Management and
marketing

Scientific director: T.K.Iminov

Period study: 2014-2015

Major: 5A350301– Economic and
management in ICT

THE ANNOTATION OF MASTERS DISSERTATION

The actuality of theme: To develop investment activity of communication companies, and to investigate this problem as integrated study, to create appropriate condition for investment in Republic, to provide investment potential and establishment, to develop investment activity in telecommunication sphere, to develop practical recommendations and solutions concerning this theme is an actual problem.

The aim of the work and tasks: The aim of research is to analyze productivity of investment use in communication companies, to determine prospects and consequences and to elaborate practical recommendations and suggestions to improving it. Investment activity and enlighten the idea of investment activity, to define the main principles of investment activity development, description of “Uzbektelecom” SC activity and to define its role in state economy, to analyze present condition of “Uzbektelecom” SC activity, to show main directions of composing “Uzbektelecom” SC investment activity productively, to elaborate “Uzbektelecom” SC investment activity development measures.

The object and predmet of the research: The research object is “Uzbektelecom” SC. In the process of using investments involved in “Uzbektelecom” SC, occurred economic relations and the main financial indicators of company analysis is a subject of research.

The styles and methods of the research: During the research, graphics, analytical, economic –mathematic and systematic analyze methods based on comparison are used.

The novelty of scientific results of research. The main principles of investment activity development are defined, the activity of “Uzbektelecom” SC description and its role in state economy are shown, the present condition of “Uzbektelecom” SC activity are analyzed, main directions of composing “Uzbektelecom” SC investment activity are represented, “Uzbektelecom” SC investment activity development measures are elaborated.

Practical essence and application of research results: Companies in the sphere of communication and information of Uzbekistan Republic, scientific practical suggestions directed to develop investment activity productively

possibilities determines the research. The suggestions and ideas given in research results, to elaborate development programs concerning investment activity of communication and information sphere and state economy, and it also can be used in composing investment activity productively in “Uzbektelecom” SC and its branches.

The structure and component of the task: The structure and components of the task: The dissertation consists of introduction, 3 chapters, conclusion and references. The total volume is 83 pages.

The main results of done research: The main principles of investment activity development are shown, the description of “Uzbektelecom” SC and its role in state economy, the present condition of “Uzbektelecom” SC activity are analyzed, main directions of composing “Uzbektelecom” SC investment activity are represented, “Uzbektelecom” SC investment activity development measures are elaborated.

The little total expression of conclusion and invitations: To improve HR policy, to expand marketing policy in the sphere of investment activity, to elaborate measures of attract foreign capitals in order to multiply users of “Uzbektelecom” SC UZMOBILE branch services. By executing the social tasks of state, which is by providing services of telephone and internet to social infrastructures, various advantages by the state are achieved. To carry out practical issues on development of services in “Uzbektelecom” SC UZMOBILE, to develop and improve “Uzbektelecom” SC network, and satisfy consumers requirements completely, to implement and develop digital TV and radio broadcasting by “Uzbektelecom” SC network, to elaborate intellectual and other services development plans and to attract capitals to these processes.

Scientific director

(sign)

Masters degree student

(sign)

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
I БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	12
1. Инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти.....	12
2. Инвестиция фаолиятини ривожлантириш омиллари	26
I БОБ бўйича хулоса.....	33
II БОБ. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ	34
1. «Ўзбектелеком» АК фаолияти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни.....	34
2. «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	44
II БОБ бўйича хулоса.....	55
III БОБ. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ИСТИҚБОЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ	56
1. «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари.....	56
2. «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари.....	67
III БОБ бўйича хулоса.....	75
ХУЛОСА	77
АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	80

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсақ, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун инвестициялар ҳажмини кескин кўпайтириш лозим бўлади. Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестициялардан фойдаланиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваломбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бу борада сўз кетганда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: “Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва

умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаб олганмиз: агар ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан сармоя ва инвестицияларнинг мамлакатимизга, ўлкамизга кириб келиши учун қулай шароит ва имтиёзлар ташкил этмасак, керак бўлса, айти шу йўналишда астойдил, бутун вужудимиз билан ишламасак, бундай рақамларни тушимизда ҳам кўрмасдик. Бу – аниқ гап”².

Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу диссертация мавзуси ва унда кўрилган масалалар бугунги кунда илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасидаги муаммони мажмуавий тарзда ўрганиш, республикада маъқул инвестиция муҳитини яратиш, алоқа корхоналарининг инвестицион жозибдорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий маслаҳатлар ва ечимлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишида объект сифатида “Ўзбектелеком” АК танлаб олинган. “Ўзбектелеком” АКга жалб қилинган инвестициялардан фойдаланиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ва компаниянинг асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлили тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади алоқа корхоналарида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот ишида белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади:

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

- Инвестиция фаоляти ва унинг моҳиятини ёритиш;
- Инвестиция фаолятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ёритиб бериш;
- «Ўзбектелеком» АК фаоляти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини ёритиш;
- «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолятининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишларини кўрсатиш;
- «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

- Инвестиция фаоляти ва унинг моҳияти;
- Инвестиция фаолятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари;
- Инвестиция фаолятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари;
- «Ўзбектелеком» АК фаоляти тавсифи ва унинг алоқа соҳасидаги ўрни;
- «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолятининг ҳозирги ҳолати;
- «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари;
- «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари.

Мавзу бўйича адабиётларнинг қисқача таҳлили. Мавзунинг назарий ва методологик асоси бўлиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича етакчи мутахассисларнинг меҳнатлари, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ҳисобланади. Бу борада хориж олимларидан Г.Бирман, М.А.Горелик, Е.А.Голубицкая, М.Питер, Л.Д.Рейман, Дж.Сакс, Г.А.Титоренко, Э.Хельферт каби олим ва мутахассислар изланишлар олиб боришган.

Инвестиция фаолиятини самарали ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммоларини Ўзбекистон олимларидан Р.Я.Досумов, И.И.Искандаров, Т.К.Иминов, А.М.Қодиров, Х.А.Мамажанов, И.А.Тўхлиев, М.Л.Турсунхўжаев, О.Ҳ.Ҳикматов, Л.И.Шибаршова, А.Н.Арипов, Х.А.Мухитдинов ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида қўлланилган услублар. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида таққослашга асосланган, график, таҳлилий, иқтисодий-математик ва тизимли таҳлил услубларидан ўринли фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Президентининг асарларидан, мавзуга алоқадор хорижий ва маҳаллий олимларнинг китобларидан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК ҳисобот материалларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда инвестиция фаолиятини самарали ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялардан фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади. Тадқиқот натижасида келтирилган тақлифлар ва мулоҳазалар республикаимиз иқтисодиётини, қолаверса алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инвестиция фаолиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, “Ўзбектелеком” АК ва унинг филиалларида инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- Инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ёритиб берилган;
- «Ўзбектелеком» АК фаолияти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни кўрсатилган;

– «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган;

– «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган;

– «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

Диссертация кириш қисмидан, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 83 бетдан иборат.

I БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти

Миллий иқтисодийни модернизация қилиш шароитида инвестиция оқимларини самарали бошқариш ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иқтисодийнинг ривожланишида янги саҳифа очди. Тармоқлар ва тармоқлараро пропорцияларда ижобий ўзгаришлар юз берди, янги тармоқлар бунёд этилди, кўшма корхоналар сони ўсиб борди. Иқтисодий ўсишга катта инвестициялар йўналтирилди. Телекоммуникация, мобил алоқа, интернет, хизмат кўрсатиш, ёқилғи-энергетика тармоқларига жалб этилган йирик миқдордаги инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ҳамда янги маҳсулот ва хизматларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. Кейинги йилларда транспорт мажмуасига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, шу жумладан таълим соҳасига инвестициялар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгартиришлар жаҳон хўжалигига кириб бориш, мамлакат иқтисодийнинг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратади.

Иқтисодийни техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Ҳозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик» деб тушунсалар, айримлари лотинча «invest» сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда «капитал солиш» билан бирдай қилиб таърифлайдилар.

Инвестициялашнинг йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Зеро, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнини бошидан кечираётган ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг асосий йўналишларидан бири бу инвестиция сиёсатидир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб қилади. Бу ўз навбатида республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди.

Ҳар қандай давлатнинг инвестиция сиёсати унинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг негизи бўлиб ҳисобланади. Мамлакат ишлаб чиқаришининг ўсиш потенциали, иқтисодий ривожланишнинг суратлари, ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар ҳажмининг кўпайиши кўпгина бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар унга боғлиқдир.

Ҳозирги босқичда ҳар қандай давлатнинг ривожланишини чет эл инвестицияларини жалб қилмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқа томондан эса, чет элга капитални пул ёки товар шаклида чиқарилиши ундан янада самаралироқ фойдаланишга интилиш билан ифодаланган.

Иқтисодий ўсишнинг омили сифатида инвестиция бутун мамлакат иқтисодиётини кўтаришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Бундай воситанинг таянч нуқтаси бўлиб институционал ташкилотлар хизмат қилади, амалдаги кучи бўлиб эса фискал ва кредит-пул сиёсати ҳисобланади. Ишнинг натижалари ушбу воситалардан қанчалик моҳирлик билан фойдаланиш ҳамда таянч нуқтаси қанчалик мустаҳкамлигига боғлиқдир.

Натижада мамлакат инвестиция сиёсатининг асосий стратегияси аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган бўлиши керак.

Дунёнинг нисбатан ривожланган мамлакатларида инвестиция сиёсати барча макродаражада қабул қиладиган қарорларнинг устида асос бўлиб кўйилади: инвестиция ҳажми миллий иқтисодиёт мустаҳкам

ривожланишининг муҳим мезони сифатида кўрилади, инвестиция кўйилмалари динамикаси эса умумий самарали талаб ҳолати индикатори сифатида, келажакда миллий ишлаб чиқаришнинг ҳажмига, бандлик даражаси ва аҳоли истеъмолига таъсир қилувчи омил сифатида қаралади.

Инвестиция фаолияти бевосита ижтимоий муҳит билан боғлиқдир. Тажрибадан кўриниб турадики, аҳоли томонидан инвестицион фаолликнинг ошиши бу мамлакатнинг тўғри инвестиция сиёсати олиб борганининг натижасидир, шу жумладан ижтимоий муҳитда ҳам.

Россиялик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, ижтимоий муаммоларни инвестицион усуллар билан ҳал қилиш керак, яъни янги иш ўринларини яратиш (ишчиларни инновацион ўқитиш ва тайёрлаш), меҳнат ишлаб чиқарилишининг ошиши ва реал иш ҳақининг ўсиши, ишчи ва тадбиркорларнинг жамланган умумий инсон капиталидан юқори самарали фойдаланишдан иқтисодий манфаатдорлик (турмуш даражаси сифатининг ошиши) ва ҳ.к..

Давлатнинг мақсади барқарор ишлаётган, жўшқин ривожланаётган иқтисодиёт ва яхши ўйлаб чиқилган ижтимоий сиёсатга эга бўлган мустақкам ривожланаётган жамият тизимини тузишдан иборат бўлиши керак. Инвестицион фаолликни ошириш учун мамлакатда маъқул инвестиция муҳити тузиш талаб қилинади. Бу жараёнда биринчи даражадаги вазифани бажариш керак бўлган давлат кучайтирилиши бир қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий характердаги рағбатлантирувчи чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Бозор шароитида давлат томонидан маъқул инвестиция муҳити тузиш, энг аввал, потенциал инвесторни кам қизиқтирадиган халқ хўжалиги тармоғини инвестициялаш орқали ифодаланиши мумкин. Бу тармоқнинг транспорт коммуникация инфратузилмаси, уй-жой қурилиши, таълим, фан, тиббиёт, маданият, яъни ижтимоий муҳит тармоқларидир.

Шу йўл билан давлат хусусий капитал томонидан инвестиция қилиш объектини яхши муҳитини яратишга имкон беради, шу жумладан чет эл капитали ҳам.

Ишлаб чиқариш муҳитига инвестицияларни жалб қилиш - бу янги иш ўринларини яратиш, янги технологияни жорий қилиш, умумий ишлаб чиқаришни ва ишчи кучини сифатини ошириш, ташкилотга пул тизимини кўпайтириш, иш ҳақи ўсишидир.

Ушбу барча чора-тадбирлар уларни тўғри амалга оширган тақдирда мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳолатини яхшилашга, уни фаровонлиги ва ҳаёт сифатини оширишга ёрдам беради. Бу эса давлатнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Нобель мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати У.Ф.Шарп «Инвестициялар келгусида қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир»³, -деб таърифлаган. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини У.Ф.Шарп қуйидагича шарҳлайди: «Келажақда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва шундай ҳисоблайдиларки, «пулни ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин»⁴.

Швед иқтисодчи олими Класс Эклунд фикрича, «инвестиция – бу келажақда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир»⁵. Бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин қилган бўлиб, у «капитал қўйилмалар»га берилган таърифга кўпроқ мос тушади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.М.Қоралиевлар инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал

³ У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бейли. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА, 2000й., 979-бет.

⁴ Ўша жойда, 16-бет.

⁵ К. Эклунд. Эффективная экономика: шведская модель. – М.: Экономика, 1991й., 96-бет.

бойликлар деб таърифлайдилар. Самара келтирадиган мулкый ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

-пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

-ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);

-муаллифлик ҳуқуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;

-ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;

-бошқа бойликлар⁶.

Шунингдек, инвестиция тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида «Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар»⁷ сифатида таърифланади.

Назаримизда, бу атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб, қуйидагича таъриф бериш лозим. «Инвестиция» - бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар.

Инвестицияга берилган ушбу таърифга кўра ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида инвестор «чекланган имконият»лардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришга «маълум миқдордаги» маблағ сарфлаши натижасида қисман фойда олиши, ушбу ҳолатни умумжамият миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида қатнашиши натижасида иқтисодий-молиявий ва маънавий ўсишини таъминлайди. Бу ўз ўрнида Ўзбекистон

⁶ Д.Ғозибеков., Т.М.Қоралиев «Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш». – Т: Матбаатчи, 1993й.,6-бет.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил 24 декабр, Ўзбекистон Республикасининг Молиявий Қонунлари» тўплами, 12-сон, 2003й.

Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Барчамиз оддий ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди. Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлик фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз»⁸, - деб таъкидлаган фикрига тўғри келади.

Инвестиция тўғрисидаги таҳлиллар ва берилган таърифга асосланиб ҳамда иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг қуйидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

-иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имконият яратиш;

-иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга тадбиқ этиш;

-мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний кафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушини яратадиган ва молиявий ўсишни таъминлайдиган инфратузилмаларни фаоллаштириш;

-иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсишини ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микро даражада фарқланишидан қатъий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқеига ва ўзига хос чегараларига эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичида кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар асосан, жорий

⁸ И.А.Каримов. 2009 йилни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ва 2010 йилда иқтисодиётни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳжамасидаги маърузаси. // Халқ сўзи, №21 (4936) 2010 йил 30 январь

ҳаражатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини кенгайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий негизини ташкил этар экан, ўз навбатида, бу такрор ишлаб чиқаришга инвестор (субъектлар) инвестиция ресурсларини иқтисодиёт соҳалар (объектлар) ига ўзи қўзлаган мақсадни, асосан, даромад олиш ёки ижтимоий самарага эришиш учун жойлаштиради ва инвестор амалга оширган бундай фаолиятни илмий нуқтаи назардан инвестиция фаолияти деб аталади.

Инвестор инвестициялашни амалга ошириш учун маълум миқдордаги маблағ ёки инвестиция ресурсларига эга бўлишни ёки жамғаришни талаб этади. Бунинг учун жамғарма маблағларини банкларда тўплаш ва улар орқали капитал маблағларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига йўналтирилишини таъминлашга эришиш мумкин. Бу аввало, инвестиция фаолиятида банклар иштирокини оширишни талаб этади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим»⁹, - деб таъкидлаб ўтган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида банклар инвестиция фаолиятининг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида қуйидаги фаолиятларнинг у ёки бу турлари бўйича иштирок этадилар:

-инвесторларга тегишли ҳамда инвестицион мақсадларга йўналтириладиган маблағлар ҳаракати бўйича молиялаштириш ҳисоб-варақлари очиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

⁹ И.А.Каримов Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000 й., 57-бет.

-фойда олиш ва банк ликвидлигини ошириш мақсадида ўз ва жалб қилинган маблағларни давлат ва корпоратив қимматли қоғозларга қўйиш;

-ўз ва жалб қилинган маблағларни инвестиция лойиҳаларига бевосита қўйиш, яъни хўжалик субъектлари инвестиция фаолиятини кредитлаш;

-қимматли қоғозлар сотиб олиш орқали корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда иштирок этиш.

Агарда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, қарийб уларнинг барчасида бозор муносабатларининг ривожланиши учун мулкчилик шакллари вужудга келишида ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш жойлари билан таъминлашда хорижий инвесторларнинг роли юқори бўлган. Бу фикрни келтириш билан республикани хорижий инвестицияларсиз бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди деган фикрдан йироқмиз. Бозор муносабатлари ривожланган ҳар бир мамлакат иқтисодий аҳволни яхшилашда моддий (техника, технология, асбоб-ускуналар, молиявий ва интеллектуал) инвестициялардан оқилона фойдаланмоқда.

Шу ўринда инвестициялар жумласига қандай воситалар киришига аниқлик киритиб ўтсак. Инвестиция сифатида пул воситалари, мақсадли банк қўйилмалари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, кредитлар, заёмлар, омонатлар, технологиялар, ер, бино-иншоотлар, лицензиялар, шунингдек товар белгилари ва умуман бошқа барча мулклар ва мулквий ҳуқуқлар, интеллектуал ҳуқуқлар, интеллектуал қийматликлар фойдаланилади. Инвестиция фаолиятининг объекти бўлиб иқтисодий активлар, яъни иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига яна бунёд этиладиган ва модернизациялаштириладиган асосий фондлар ва айланма воситалар, ноишлаб чиқариш активлари, қимматли қоғозлар, мақсадли пул қўйилмалари, илмий-техникавий товарлар, бошқа мулк объектлари, шунингдек, мулк ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳисобланади. Инвестициялар ғоят турли-туман белгиларига кўра табақаланади, жумладан,

асосий капитални кўпайтириш зарурати билан боғлиқ соф инвестициялар ва асосий фондларнинг емирилиши ўрнини қоплаш зарурати тақозо этган ялпи инвестициялар фарқланади. Бундай объектлар мулк, молиявий воситалар, номоддий қийматликлар бўлиши мумкин.

Ҳаракати йўналиши бўйича инвестицияларни фондлар таркибини янгилаш, рационаллаштириш, кенгайтириш, алмаштириш ва ҳоказоларга мўлжалланган инвестицияларга ажратиш мумкин. Мақсадлар ва улар билан боғлиқ хатарлар нуқтаи назаридан венчурли (хатарли), бевосита, портфель ва аннуитет инвестициялар мавжуд.

Инвестиция субъектлари нуқтаи назаридан эса хусусий ва давлат инвестициялари фарқланади. Асосий капитал қўйилмалар, моддий айланма воситалар захиралари, қийматлик ва бошқаларни ўзида мужассам этган капитал тузилмалар инвестициялар қисми ишлаб чиқариш активларига инвестициялар бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида бўлмаган активларга капитал тузилмалар инвестиция қисми ноишлаб чиқариш активларига инвестициялардир. Ушбу ноишлаб чиқариш моддий активлари – табиий активлар, яъни ер, табиий биологик ресурслар, сув ресурслари (ноишлаб чиқариш моддий активлари), ҳуқуқий шакллар, яъни ишлаб чиқариш жараёни билан алоқада бўлган ва бир институцион бирликдан иккинчисига вақти билан ўтадиган шакллар фарқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ эса инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади¹⁰.

Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўйиладиган инвестициялар киради.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 1998 йил 24 декабр, «Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари» тўплами, 12-сон, 2003й.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа турларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Макроиктисодий даражада инвестициялар деганда ишлаб чиқаришга, уй-жой фондини, товар захираларини ўстириш ва шу кабиларга қилинган чиқимларнинг бир қисми, яъни ялпи ички маҳсулотнинг капитални ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисмини тушунадилар.

Микродаражада қабул қилинадиган инвестицион қарорлар, одатда, нисбатан мустақилдир. Бу қарорлар ўз мотивлари ва мақсадларига кўра турличадир ва тегишли молиявий натижаларга олиб келади, булар, одатда, ҳисоблаб чиқилади, башорат қилинади ва танлаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, инвестиция иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи «асосий бирламчи» элемент деган хулоса қилиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, инвестиция маълум субъект орқали иқтисодиёт соҳаларидан даромад олиш ёки самарага эришиш мақсадида сарфланаётган экан, уни бевосита ва билвосита даромад келтирувчи инвестицияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида ўзимизда қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан келиб чиқиб инвестициянинг шартли равишда учта турини ажратиш мумкин:

- 1) Молиявий инвестициялар.
- 2) Моддий инвестициялар.
- 3) Ақлий (интеллектуал) инвестициялар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий

мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлари, депозит, сертификатлар, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларнинг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкый ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкый ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларнинг нечоғлик ривожланишига боғлиқ. Миллий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари кўринишидаги инвестициялар ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Барча турдаги инвестициялар, уларнинг ҳажмидан қатъий назар, бирор бир инвестиция жараёнининг натижасидир.

Иқтисодчи олимларнинг инвестициялар тўғрисидаги фикрларини, инвестициялар хусусида қонунларда келтирилган кўрсатмаларни умумлаштириб инвестицияга қуйидагича таъриф берилади: «инвестиция деб ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга сарфланишига айтилади».

Инвестиция тўғрисидаги таҳлиллар ва берилган таърифларга асосланиб ҳамда иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг қўйидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор

инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;

- иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга тадбиқ этиш;

- мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний қафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушини яратадиган ва молиявий ўсишни таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;

- иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш.

Иқтисодиётга киритилаётган инвестиция миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, мазкур омил, ўз навбатида, инвестиция ресурслари манбаларининг таркибий тузилишига ва унинг барқарорлигига боғлиқдир.

Инвестиция фаолияти ва унинг манбалари иқтисодиёт ривожининг жадал суръатларини белгилаб бериш билан бирга у ҳар қандай тизимда кўп жиҳатдан минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиб боришини ва тараққий этиш даражасини ифода этиши лозим.

Инвестиция деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинди ва ўтган вақт ичида улар анча такомиллаштирилди. Инвестиция тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича, инвестиция бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай

бойликлардир. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитида тўлалигича фаолият кўрсатишини аниқ тасдиқлайди. Жумладан, унда, биринчидан, инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган; иккинчидан, инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга муқаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Демак, инвестицияга бозор муносабатларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестиция жараёнининг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлар (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Худди шу каби ёндашув инвестиция фаолиятининг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади, бу эса, молиявий, моддий ва ақлий бойликларни қайта тақсимлашнинг вертикал ва горизонтал усулларидан бир хилда фойдаланишни таъминлаб беради.

Иқтисодий категория сифатида инвестиция қуйидагича таснифланади:

- Бирламчи жамғарилган капитални кўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектларига жойлаштириш;
- Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

Инвестициялар – бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капитал. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарасида ва унинг ташқарисида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин. Инвестициялар ялпи ва соф инвестицияларга ажратилади. Ялпи инвестициялар – бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни

кўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамғармалари ва аҳоли маблағлари қўйилмаларидир. Бошқача сўз билан айтганда, ялпи инвестициялар ўз ичига амортизация ва соф инвестицияларни қўшади. Соф инвестицияларни аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратилади.

Ялпи инвестициялар ва амортизация ўртасидаги нисбатга қараб иқтисодиётнинг аҳоли қандай эканлигини, яъни юксалиш, ё турғунлик ёки пасайиш даврини бошидан кечираётганлигини аниқлаш мумкин. Агарда, ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ, яъни соф инвестиция юқори бўлса, иқтисодиёт юксалишда бўлади, чунки унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади.

Ялпи инвестиция ва амортизация бир-бирига тенг бўлган чоғда иқтисодиёт турғунлик ҳолатида бўлади. Бу вазиятда соф инвестициялар нолга баробар ва иқтисодиёт шу йилда қанча капитал истеъмол қилган бўлса, уни қоплаш учун шунча ишлаб чиқаради.

Ишчан фаоллик пасайиб бораётган иқтисодиёт учун (ассегнация ҳолати) ялпи инвестициялар амортизациядан кам бўлган ҳолдаги вазият хосдир, яъни иқтисодиётда йил давомида капитал ишлаб чиқарилганига нисбатан кўпроқ истеъмол қилинади. Бундай ҳолатда соф инвестициялар ишораси манфий бўлиб, унинг мутлақ қисқаришини билдиради. Натижада, йил охирида капитал ҳажми йил бошидагига қараганда кам бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан қатъий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқега ва иқтисодий чегараларига эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичида кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар асосан, жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш,

балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

2. Инвестиция фаолиятини ривожлантириш омиллари

Миллий иқтисодийни модернизация қилиш шароитида иқтисодийнинг барча тармоқларини, шу жумладан телекоммуникация соҳаларини ҳам, чуқур таркибий қайта ислоҳ қилишини ва бундай ислоҳ қилиш барча хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Инвестиция фаолиятини ривожлантириш омиллари, тамойиллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатаётган иқтисодийнинг барча соҳаларида, шу жумладан, корхоналар хўжалик фаолиятини бошқаришида кам меҳнат ва харажатлар сарфлаш орқали харидорларнинг талаб-эҳтиёжларини тўла қондиришга ва юқори самарадорлик билан иш юритиб, фойда олишга эришишга ундайди.

Инвестиция фаолиятини ривожлантириш истеъмолчиларнинг ҳозир ва келажакдаги талабларини қондиришга қаратилган маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотиш, натижада фойда олиш билан боғлиқ фаолият туридир. Инвестиция фаолиятини ривожлантириш орқали корхонанинг маркетинг фаолиятини назарий ва амалий асосларини чуқур билиш, тижорат хавф-хатарини ўз вақтида ҳис қилиш ва камайтириш, унинг вариантларини ҳисоблашда мавжуд бўлган турларидан энг маъқулини танлаш, рақобат шароитида бозорни юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўйинтириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харидорларнинг турли гуруҳлари учун сотиш нархини аниқлаш ва оқибатда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Мана шундай биз учун мураккаб даврда, хорижда инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасида тўпланган бой тажрибадан фойдаланмаслик кечириб бўлмас хато бўлар эди. Шунини ҳам унутмаслик

керакки, биз энг катта тақчилликни - вақт танқислигини ҳам енгишимиз зарур.


Ўзбекистонда ҳозирги шароитда ахборот коммуникация соҳаси корхоналарининг кўплаб муаммолари анъанавий бошқарув усуллари ёрдамидагина қониқарли ҳал этилиши мумкин эмас. Хўжалик юритишнинг янги шароитида корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган менежерлар, ишлаб чиқарувчилар, техник мутахассислар, тижорат ходимлари ва пировард истеъмолчиларнинг куч-ғайратини бирлаштирадиган, фирмани истеъмолчи ва бозор талабларига йўналтирадиган, унга атроф-муҳит омиллари ўзгаришига мувофиқ иш тутиш имконини берадиган бошқарув тизими талаб қилинади.

Қолаверса, ахборот-коммуникация технологияларининг бутун дунёдаги сингари Ўзбекистонда ҳам тобора ортиб бораётгани, бу соҳа субъектларининг табиий монопол хусусияти йўқолиб бораётганлиги, хилма-хил алоқа турларининг жадаллик билан ривожланиши, бозорнинг рақобатлашувчи компанияларнинг турли хилдаги хизматлари билан тўлиши хизмат кўрсатиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, соҳани инвестиция фаолиятини ривожлантиришдан келиб чиқиб бошқаришни ташкил этишни жуда долзарб вазифага айлантирмоқда. Шу билан бир қаторда ташқи муҳит омилларининг турли-туманлиги, уларнинг динамикасини, ахборот-коммуникация соҳаси олдидаги эски ва янги муаммолар соҳа корхоналарини маркетинг ёндошувидан фойдаланишга, аниқ ва чуқур ўйланган инвестиция фаолияти стратегиясини ишлаб чиқишга, зарур элементлардан, яхши йўлга қўйилган мониторинг тизимидан ҳамда ташқи омиллар ва ички имкониятларни боғловчи бошқарув тизимидан фойдаланган ҳолда, уларни омилкорлик билан амалга оширишга ундамоқда.

Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш деганда авваламбор соҳага инвестиция жалб этишга, инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олиш лозим.

Муаллифнинг фикрича, кучли рақобат муҳитига эга бўлган телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга

таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини камайтириш бевосита телекоммуникация корхонасининг инвестицион жалб қилувчанлигини ошишига, қолаверса рақобат салоҳиятини юқори даражада бўлишига замин яратади.



1-расм. Алоқа корхоналари инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотлар мобайнида муаллиф томонидан телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди ва асосий гуруҳларга ажратилди. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар иккита асосий гуруҳга тақсимланган ҳолда ўрганилди.

Бу омиллар ички ва ташқи омиллар бўлиб, фикримизча, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда келтирилган омилларнинг таъсири юқори бўлади. Алоқа корхоналари инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни синфланиши 1-расмда келтирилган. Фикримизча, ушбу расмда келтирилган инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи ички омиллар орасида юқори таъсир кучига эга омил бу инвестициялаш учун жалб этилган ички молиявий маблағларнинг етишмаслигидир. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланиб бораётган рақобат муҳитида муқим ўрин эгаллаш учун ҳар бир корхона авваламбор молиявий барқарорлик ва молиявий захираларга эга бўлиши даркор.

Фикримизча, ташқи омиллар орасидаги эга катта хавф бу соҳани катта миқдордаги ташқи қарзларини мавжудлиги ҳисобланади. Бу ерда ташқи қарзлари деганда телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ҳамда янги замонавий ЭАТСлар қуриш учун Япония ва Жанубий Корея давлатларидан узоқ муддатга олинган катта миқдордаги молиявий маблағлар тушунилади.

Муаллифнинг фикрича, телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришни ва инвестицион жалб қилувчанликни оширишда маркетинг ёндошувини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки телекоммуникация хизматлари бозорида кучли рақобат

муҳити шаклланган ва бу рақобат муҳитини асосий элементлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- бозорда катта ҳажмга эга бўлган хорижий инвестицияли корхоналарни фаолият юритиши;

- анъанавий телефон алоқаси ўрнини мобил алоқа тизими эгаллаётганлиги;

- Интернет хизматлари бозорини ривожланиши;

- рақамли телевидения тизимини жадал ривожланиши;

- барча бозор иштирокчилари томонидан кенг миқёсда қўшимча хизмат турларини жорий этилганлиги;

- симсиз алоқа тизимини шаклланганлиги ва ривожланиш даражасини юқорилиги;

- истеъмолчиларнинг янги замонавий телекоммуникация хизматларига бўлган талабини юқорилиги.

Демак, бугунги кунда телекоммуникация соҳаси бошқарувига ҳам маркетингли ёндашув мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда телекоммуникация хизматлари маркетингини бошқариш тизими ва унинг ташкилий тузилмаси буни янгича мушоҳада қилиш ва ислоҳотлар ўтказишдан иборат тадрижий ривожланиш босқичини бошдан кечирмокда. Бу ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларининг жадаллик билан ривожланиши, бозор муносабатлари ривожининг асосий қонуниятлари қарор топиши ва янги йўналишлар пайдо бўлиши, иқтисодий муносабатларнинг, шу қаторда ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларининг глобаллашуви билан боғлиқдир.

Маркетинг бошқаруви тизими миллий ва жаҳон бозорларида рақобат кураши воситаси сифатида фаол қўлланилади. Замонавий маркетинг бошқаруви катта бизнеснинг асоси ҳисобланади.

Шу сабабли бугунги кунда ахборот-коммуникация соҳаси субъектлари ҳақиқий маркетинг бошқарувнинг бош фалсафаси эканлигини, фақат унга таянибгина корхона узоқ муддатли муваффақиятга эришиши, унинг

ёрдамидагина рақобат муҳитида омон сақланиб қолиши мумкинлигини тушуниб етмоқдалар.

Маркетинг илмий йўналишининг асосчиларидан бири Ф.Котлер бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: «Маркетинг бошқаруви — ташкилотнинг мақсадига эришиш учун мақсадли мижозлар билан манфаатли алмашинувларни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва сақлаб туришга мўлжалланган тадбирларни таҳлил қилиш, режалаштириш, ҳаётга татбиқ этиш ва амалга оширилишини назорат қилишдир»¹¹.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «маркетингни бошқариш» тушунчасини А.Н.Арипов ва Т.К.Иминовлар қуйидагича таърифлашади: “Ахборот-коммуникация соҳасининг пировард мақсадларига эришиш учун мақсадли мижозлар билан манфаатли муносабатларни ўрнатиш, уларни сақлаб туриш ва кенгайтиришга мўлжалланган дастурларни таҳлил этиш, режалаштириш, ҳаётга татбиқ этиш ва амалга оширилишини назорат қилишдир”. Бу таъриф ўз ифодасини «2003-2010 йиллар давомида телекоммуникация ва маълумотлар узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастури»да топган. Яъни, менежментни ривожлантиришнинг асосий мақсади амалдаги менежмент тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастурий йўналишлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ахборот-коммуникация соҳасидаги фойда ва даромаднинг янада ўсиб боришини таъминлашдан иборатдир¹².

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида телекоммуникация корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш муаммосини ечишда маркетингли ёндашув асосий ҳисобланади. Бунда маркетингнинг асосий вазифаси истеъмолчи истаган ерда ва вақтда унга хизматни юқори сифатли даражада кўрсатиш бўлиб чиқади. Маркетинг корхонанинг бозорга мўлжалланган бошқарув

¹¹ Ф.Котлер Основы маркетинга. Пер с англ. М.: «Бизнес-книга», 1995 й., 40-бет.

¹² А.Н.Арипов, Т.К.Иминов “Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари менежменти масалалари” Тошкент “Фан ва технология” 2005й., 58-бет.

тизими бўлиб, қўйилган мақсадларга эришиш учун турли усул ва воситаларни қўллайди. Бунда унинг асосий мақсадлардан бири бу корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини, ўз хизматларини истеъмолчиларга қараб йўналтириш ҳисобланади.

Демак, мавжуд тармоққа асосан универсал хизматлар кўрсатиш бўйича акциядорлик компанияси телекоммуникация соҳасида монополист ҳисоблансада, қўшимча хизмат турлари бўйича кучли рақобатчиларга эга. Бу эса ўз навбатида маркетинг фаолиятини кучайтиришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча “Ўзбектелеком” АКни имкониятларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, «Ўзбектелеком» АК маркетинг фаолиятини мувофиқлаштиришда ва телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда авваламбор юқорида келтирилган ҳолатлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхоналарда бозор шароитида янгича ишлашлари учун корхонага ёрдам берувчи ва бозор шароитида фойда олишга, бозорда ўз ўрнини топишда ёрдам берувчи маркетингга эҳтиёжлари пайдо бўлиши керак. Ҳозирги кунда телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустақкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

I БОБ бўйича хулоса

Ушбу бобда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари ёритилган бўлиб, унда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш омиллари кўриб чиқилди.

Ҳозирги даврда корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар кўпинча жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни барқарорлаштириш ва етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустақам бозор сегментида эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбектелеком» АК маркетинг фаолиятини мувофиқлаштиришда ва телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда авваламбор келтирилган таклифлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

II БОБ. «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

1. «Ўзбектелеком» АК фаолияти тавсифи ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Ахборот коммуникация ва телекоммуникация хизматлари бозори бугунги кунда энг жадал ривожланаётган хизматлар бозоридан бири ҳисобланади. Ушбу бозорда кўплаб хориж инвестициясига эга бўлган корхоналар билан бир қаторда миллий операторлар ҳам фаолият юритмоқда. Телекоммуникация хизматлари бозори, шу жумладан, мобил алоқа хизматлари бозори мамлакатимизда юқори суръатлар билан ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Хориж экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра республикаимиз мобил алоқа бозори дунёдаги энг арзон бозорлардан бири ҳисобланар экан. Арзонлиги бўйича мамлакатимиз мобил алоқа хизматлари учинчи ўринни эгалласа, инвестициялар кўлами бўйича эса олдинги ўринлардан бирини эгаллаган.

Тадқиқот объекти сифатида олинган миллий оператор «Ўзбектелеком» АК Ўзбекистоннинг энг йирик телекоммуникация оператори сифатида сўнгги йилларда инновацион янгиланиш ва ривожланишни амалга оширди: ўз тармоқларини тубдан модернизациялади, янги хизматларни жорий этди, шунингдек асосий эътиборни маълумотларни узатиш бўйича хизматларнинг янги инновацион турларини, интернет тармоғига кириш ва IP телефонияни жорий этишга қаратилган ҳолда стратегик режаларни шакллантиришга ёндашувни тубдан ўзгартирди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация соҳасини 2020 йилга қадар даврда қайта қуриш ва ривожлантириш миллий дастурининг тасдиқланиши ва унинг барча бандларининг «Ўзбектелеком» АК томонидан аниқ бажарилиши туфайли мамлакатимиз ахборот - коммуникация тармоқлари модернизациялашмоқда ва бугунги кунда барча замонавий талабларга жавоб беради.

Ҳозирги пайтда «Ўзбектелеком» АКнинг телекоммуникация ва ахборот - коммуникация тармоғи ўрнатилган қуввати 2 млн. рақамдан ортиқ бўлган 2000 тадан ортиқ АТСлардан иборат. Электрон АТСларни ўрнатиш ҳисобига босқичма - босқич тармоқларининг рақамлашуви даражаси ортиб бормоқда, «Ўзбектелеком» АК филиаллари фойдаланаётган АТСларнинг барчаси тўлиқ рақамлаштирилган

Телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш, замонавий ускуналарни жорий этиш ва хизматларнинг янги турларини кўрсатиш профессионал ва тайёргарлик кўрган кадрларни талаб қилади. Бугунги кунда «Ўзбектелеком» АК ўзининг 19 филиалига эга, уларда 20 мингга яқин муҳандислар, техник персонал меҳнат қилмоқда.

Инновацион фаолият туфайли компания амалда жаҳоннинг барча мамлакатларига чиқа олиш имкониятларига эга бўлган 28 йўналишдаги телекоммуникациялар тўғридан - тўғри халқаро каналларига эга. Компаниянинг телекоммуникация тармоғи бугун 17 минг канал магистрал ва ички зона линияларни бирлаштирган. Илгари алоқа билан қамраб олинмаган энг узок туманлар учун СДМА-450 стандартини қўллаган ҳолда симсиз абонент кириши тармоғи кенг жорий этилмоқда.

Соҳани ривожлантиришда инвестицияларни аҳамияти жуда катта бўлиб, бу соҳани техник қайта жихозлаш, янги хизмат турларини жорий этишни тезлаштиришга замин яратади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда телекоммуникация секторига капитал қўйилмалар ҳажми ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорликни юксак кадрлайди, сўнгги йилларда кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банкни муҳим стратегик шерик деб билади.

Ўтган давр мобайнида, яъни 1996 йилдан буён ажратилган 1 млрд. 200 млн. АҚШ доллар кредит ресурслари ҳисобидан қиймати 520 млн. АҚШ

доллардан ортиқ 11 та лойиҳа амалга оширилди, умумий миқдори 650 млн. АҚШ доллардан зиёд 15 та лойиҳани ўзлаштириш давом этмоқда. Мазкур банк билан ҳамкорлик бугун сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари ҳозирги кунда умумий қиймати 1 млрд. 150 млн. АҚШ доллардан ортиқ яна тўртта кредит шартномаси имзоланди, бошқача айтганда, Осиё тараққиёт банки мамлакатимизда ўз кредит портфелини икки баравар оширди. Мамлакатимиз билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг асосини ташкил этувчи ўзаро ишонч ва олинган мажбуриятларга қатъий амал қилиш тамойиллари ҳамда ажратилаётган маблағларнинг Ўзбекистон томонидан мақсадли ўзлаштирилиши бундан буён ҳам таъминланади.

Хусусий бизнес ва иқтисодиётнинг нодавлат секторини қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Агар 1991 йилда иқтисодиётимизда нодавлат сектор улуши 3 % га ҳам етмаган бўлса, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотда ушбу секторнинг ҳиссаси 80 % дан ортиқни, иқтисодиётнинг қатор етакчи тармоқлари – қишлоқ хўжалиги, қурилиш, телекоммуникация, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эса хусусий мулк шакли қарийб 100 % ни ташкил этмоқда.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг базасини замонавий талаблар асосида мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимизда яратилган мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим тизими салоҳиятини, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасини қўллаб-қувватлаш, уларни энг замонавий ускуналар, компьютер ва ахборот-коммуникация техникаси, технологиялари билан жиҳозлаш, соғлиқни сақлашда ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг мукамал ва илғор усулларини жорий этиш ушбу ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Осиё тараққиёт банки мамлакатимиз банк-молия тизимини ривожлантиришда, жумладан, давлат молия институтларини ривожлантириш

лойиҳаларини молиялаштириш, тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит институтлари учун кредит линияларини тақдим этиш ҳамда Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган хусусий банклари капиталини оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда инвестициянинг жалб қилиш дастурига етакчи тармоқларни янгилаш, йирик транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва тежамкор технологияларни жорий қилишга қаратилган умумий қиймати 42,5 млрд. АҚШ доллардан зиёд 300 дан ортиқ ўта муҳим инвестиция лойиҳалари киритилган.

Мамлакатимизда хусусийлаштириш муҳим ва хал қилувчи жараён сифатида изчил давом эттириляётгани нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижий инвесторларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу инвестиция учун янги имкониятлар яратиб, ўз навбатида макроиқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, аҳоли эҳтиёжлари таъминланиши ва даромадининг кўпайишига хизмат қилаётир. Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан, унинг энг шиддатли ривожланиб бораётган телекоммуникация секторига инвестицияларни жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни тадбиқ этиш натижасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эл инвесторларини ҳуқуқий кафолатлаш ва ҳимоялаш ҳақидаги чора тадбирлар тўғрисида"ги қонунлар бунинг яққол далилидир. Шу ва бошқа қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар республикамизда эркин инвестиция иқлимини яратиб беради, чет эл инвесторларини ҳақ-ҳуқуқи ва кафолатлари ҳамда бир қатор чет эл инвестициялари билан фаолият олиб бораётган ташкилотлар учун талай имтиёзларни очиб берди, хусусан:

- чет эл инвесторларининг мулкани муҳофаза қилиш, воситаларидан фойдаланиш ва жўнатиш, агарда инвестиция фаолияти тўхтаб қолса уни қайтариб беришни кафолатлаш;

- бир қатор солиқлардан имтиёзлар бериш, масалан, лойихага капитал киритиш асосида ишлаб чиқарувчи ташкилот, чет эл инвестицияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа инвестиция дастуридан жой олган фаолиятнинг руйхатдан ўтган кунидан бошлаб етти йилгача фойдага тўланадиган солиқлардан озод этиш ва бошқалар.

Президентимизнинг 2007 йил 20 июлда қабул қилган «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори хусусийлаштиришни изчил давом эттириш, соҳадаги ишлар кўламини янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Зеро, унда муҳим стратегик тармоқлар корхоналарининг устав жамғармаларидаги давлат улушини кескин камайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Эндиликда хусусийлаштириш жараёнида инвесторларнинг ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятлари улар томонидан ўз зиммасига олган корхоналарни модернизация қилиши, техник ва технологик қайта жиҳозлаши, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга кўйиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

“Ўзбектелеком” АК Республикадаги йирик телекоммуникация оператори бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини ўз тармоғи билан қамраб олган. Ўзининг замонавий технологиялари асосида барпо этилган телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш орқали компания турғун ва мобил, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторлари ҳамда Интернет провайдерлари учун каналларни ижарага бериш, барча хилдаги товушли алоқа ва маълумотни узатиш хизматлари, Интернет тармоғи, видеоконференцалоқа, СДМА стандарти асосидаги мобил алоқа каби хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ундан ташқари, телевидение ва радио эшиттириш дастурларини узатиш учун каналларни ташкил этиб боради.

Компания ҳукумат идоралари ва муассасаларига телекоммуникация хизматларини етказувчи етакчи компания сирасидан ўрин олган.

“Ўзбектелеком” АК доимо халқаро алоқа ташкилотлари билан ўзаро фаолият олиб боради, халқаро телекоммуникация лойиҳаларида иштирок этади, телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқарувчи хорижий оператор ва компаниялари билан икки томонлама ҳамкорлик фаолиятларини амалга ошириб боради. “Ўзбектелеком” АК Халқаро электроалоқа иттифоқи (ХЭИ), Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик (АҲХ), “Интелсат” йўлдошли алоқа ва бошқа қатор ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйган, ТООЕ (Транс – Осиё – Европа оптик толали алоқа магистрали) кўмитасининг бошқарув аъзоси ҳисобланади, АҲХ операторлар Кенгаши қатнашчисидир.

Компания таркибида 14 та ҳудудий ва 5 та ихтисослашган филиаллар ва иккита шўъба корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. “Ўзбектелеком” АК мобил ва турғун алоқа, халқаро ва шаҳарлараро ҳамда маълумотни узатиш ва Интернет хизматларини кўрсатувчи қатор қўшма корхоналарда ўз улушига эга.

Компаниянинг транспорт тармоғи кўп қатламли тармоқ бошқарувчи замонавий SDH тармоқ технологиясини қўллаган ҳолда оптик толали ва радиореле линиялари асосида барпо этилган. Кўрсатилаётган янги турдаги хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда хизмат турларини ошириш мақсадида STM-1/4/16/64, DWDM ва IP/MPLS русумдаги юқори тезликдаги узатувчи тизимларга босқичма-босқич ўтиб борилмоқда.

“Ўзбектелеком” АК сўнгги йилларда ўзининг телекоммуникация тармоқларини изчиллик билан модернизациялаш устида қатор ишларни амалга оширди. Янги турдош алоқа хизматларини жорий этмоқда. Шунингдек асосий эътиборни маълумотни узатиш, Интернет тармоғидан фойдаланиш ва IP-телефония ҳамда мобил алоқа сингари замонавий хизматларни тақдим этиш йўлида, истиқболли режаларни шакллантириш, қолаверса умуман ўзгача ёндошувлар сари интилмоқда. Республиканинг

барча провайдерларига Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) орқали жаҳон тўри Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини тақдим этиб келмоқда.

“Ўзбектелеком” АК да Интернет тармоғи ва маълумотни узатиш тармоғидан фойдаланиш учун компания филиаллари томонидан xDSL ва RadioEthernet технологияларидан қўллаган ҳолда ажратилган линия ва Dual-UP орқали уланиш амалга ошириб борилмоқда. “Ўзбектелеком” АК маълумотни узатиш тармоғи хизматлари туркумларига Интернет тармоғидан фойдаланиш, электрон почта, VPN, видеоконференцалоқа, корпоратив тармоқларни ишлаб чиқиш ва қуриш каби хизматлар ўрин олган. “Ўзбектелеком” АК халқаро товушли алоқа VoIP шлюзи орқали олдиндан тўланадиган карточкалар ёрдамида халқаро телефон алоқаси ва Интернет хизматларини тақдим этиб келмоқда. Компания иккита халқаро коммутация марказлари орқали анъанавий алоқа соҳасидаги 20 дан ортиқ халқаро операторлар билан ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйган ва улар орқали халқаро алоқа хизматларини кўрсатиб келади.

Компания алоқа операторлари тармоқларига тўғридан-тўғри халқаро чиқишларга эга бўлиб, чет эл операторлари трафик транзити бўйича халқаро операторлар ва компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, деярли исталган сифимда халқаро рақамли каналларни ижарага беради.

«Ўзбектелеком» АК Электр алоқаси соҳасида Минтақавий ҳамжамият (РСС) операторлари кенгаши таркибига киради, бошқа қатор халқаро ташкилотларда иштирок этади.


1-жадвал

“Ўзбектелеком” АК ташкилий тузилмаси

“Ўзбектелеком” АК ташкилий тузилмаси			
Андижон филиали	Наманган филиали	Тошкент филиали	“Бош коммутация маркази” филиали
Бухоро филиали	Самарқанд	Хоразм филиали	“UZMOBILE”

	филиали		филиали
Жиззах филиали	Сирдарё филиали	Қорақалпоғистон Республикаси филиали	“Бизнесни ривожлантириш маркази” филиали
Қашқадарё филиали	Сурхандарё филиали	“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали	“Биллинг Телеком” филиали
Навоий филиали	Фарғона филиали	“Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали	“Телеком Инвест” филиали

2011 йилда «Ўзбектелеком» АК томонидан Ребрендинг ўтказилди ва янги UZTELECOM™ бренди ва «Ўзбектелеком» АК суббрендлари — UZMOBILE™ ва UZONLINE™ брендларини кенг миқёсда илгари суриш режалаштирилди, улар «Ўзбектелеком» АК ва унинг тузилма бўлинмалари хизматларини илгари суриш ягона комплекс кўргазмали стратегиясини яратишга йўналтирилган.




2-расм. “Ўзбектелеком” АК нинг даромад миқдори¹²

¹² “Ўзбектелеком” АК нинг 2013 йил молиявий - ҳужалик фаолияти яқунлари тўғрисида “Ўзбектелеком ” АК Бош директори – А.Абдумўминов маърузаси

“Ягона ойна” тамойили асосида хизмат кўрсатувчи UZTELECOM савдо офисларида мижозларга хизмат кўрсатиш ҳажми ва самарадорлигини ошириш мақсадида DIAL WORLD CO ваколатхонаси билан навбатни бошқариш тизимини (НБТ) йўлга қўйиш бўйича ишлар, яъни ускуналар ўрнатилиши ва фойдаланишга топширилиши амалга оширилмоқда.

“Ўзбектелеком” АК мамлакатимизда телекоммуникациялар тизимига бўлаётган эътибор натижасида жуда тезлик билан ривожланиб бормоқда.

Бунинг натижаси сифатида 3-расм материалларини кўрсатиш мумкин. “Ўзбектелеком” АКнинг фаолияти жараёнида эришган натижаларини унинг қанча даромадга эга эканлигидан билиб олишимиз мумкин. “Ўзбектелеком” АК 2013 йилда компаниянинг умумий даромади 740 млрд. сўм миқдоридан хисобланган. Тариф бўйича даромад даражаси ўтган йили 667,6 млрд.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткични қарасак, ўтган йилга нисбатан 10,84 % га ошганини кўришимиз мумкин.



3-расм. Хизматлар экспорт ва импорт қилиниши натижасида олинган даромад миқдори¹³

¹³ “Ўзбектелеком” АКнинг 2013 йил молиявий - ҳужалик фаолияти яқунлари тўғрисида “Ўзбектелеком” АК Бош директори – А.Абдумўминов маърузаси

Аҳолига кўрсатилган хизматлар миқдори ўтган йилга нисбатан 28.1 млрд. сўм ёки 24.3 % га ошди. Бундан кўриниб турибдики, “Ўзбектелеком” АК томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар даражаси сифатли ҳамда анчагина кенгайтирилган.

Хизматларни экспорт қилиш ўтган йилга нисбатан 4.3 %га камайган, лекин кўрсатилган хизматларни импорт қилиш 35.5 %га ошган.

2-жадвал

2013 йил якунига кўра хизматлар бўйича олинган даромад

Хизматлар тури	Режада (млн. сўм)	Амалда (млн. сўм)	Режа бажарилиши %
Видеотелефония хизмати	77,5	192,8	249
Компьютер ва абонент терминаллари таъмирлаш хизмати	98,5	141,8	144
IPTV хизмати	1165	1167	100

IPTV хизмати бўйича даромад ҳамда фойдаланувчилар сонини ошириш мақсадида 2013 йил ноябрь ойида 12.000 донга Set-Top-Box қурилмалари келтирилди ва филлалларга тарқатилди.

2013 йил IV чоракдан бошлаб оператор ва провайдерларга қулайлик яратиш мақсадида маълумот узатиш тармоғи (VPN) хизмати бўйича ижарага олинган портлар сонидан келиб чиққан ҳолда 30 % дан 70% гача арзонлаштирилган абонент тўлови жорий этилди.

«Ўзбектелеком» АК нинг алоқа соҳасида тутган ўрни бекиёсдир. Чунки телекоммуникация хизматлари бозорида фаолият олиб бораётган алоқа

корхоналари талайгина, лекин “миллий оператор” мақомига фақат «Ўзбектелеком» АК гина эгадир.

2. «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлили

Замонавий ишлаб чиқаришларни қуришга, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни жадал ривожлантиришга йўналтирилган стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш ва бунинг негизида янги иш ўринларини яратиш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жўшқин ривожлантиришга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, «Ўзбектелеком» АК нинг ўз фаолияти доирасида амалга ошираётган ишлари, бажараётган вазифаларини кўриб чиқиш, унинг инвестиция фаолияти ҳолатини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни компаниянинг фаолияти жараёнида олиб борилаётган инвестиция лойиҳалари, унинг барқарор ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Шундай экан, «Ўзбектелеком» АК нинг иқтисодий такомиллашишида асосий вазифани бажариб келаётган инвестицион фаолиятни ҳар томонлама ўрганиб чиқамиз.

2012-йилда компаниянинг инвестиция фаолияти «Ўзбектелеком» АК олдида турган, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатбардошлик ҳолатини мустаҳкамлашга йўналтирилган асосий вазифалар асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тегишли топшириқларига мувофиқ «Ўзбектелеком» АК томонидан телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш бўйича қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

“Ўзбектелеком” АК томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ чоралар кўрилди:

“Бойсун – Денов оптик толали алоқа линияси (ОТАЛ) қурилиши”. Қарши –Термиз –Денов йўналиши бўйича 102,3 км оптик толали алоқа линиясини ётқизиш ишлари якунланди. Ушбу лойиҳа бўйича Тожикистон ва Афғонистон томонлари халқаро йўналишларида магистрал транспорт тармоғини захиралаш кўзда тутилган;

“Ургут – Шаҳрисабз толали алоқа линияси (ОТАЛ) қурилиши”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури тўғрисида”ги 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ–1455 сонли Фармони ва 2010 йил 21 декабрдаги “2011 –2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва қурилишни ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида” ПҚ–1446 сонли Фармонини бажариш мақсадида Самарқанд – Навоий – Бухоро – Қарши йўналишида 72.6 км оптик толали алоқа линияси ётқизилди, магистрал транспорт тармоғини захиралаш кўзда тутилди;

“Янги авлод тармоқлари (NGN) технологияси бўйича Халқаро коммутация марказларини модернизациялаш ва кенгайтириш”. Ушбу ХКМ – 2 ва ХКМ–3 ни модернизациялаш ва кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларида NGN технологияларини жорий этишнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Лойиҳани амалга оширишнинг биринчи босқичида Халқаро коммутация марказлари Е1оқимлари сонини 1 386 Е1 портга ошириш бўйича ишлар бажарилди, бу шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда бир вақтда уланишларни амалга оширишга имкон беради;

“Янги авлод тармоқлари (NGN) технологияси бўйича маҳаллий телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш”. Ушбу лойиҳанинг мақсади “Ўзбектелеком” АК маҳаллий тармоқларида NGN технологияларини қўллаб, коммутация ускуналарини янги рақамли коммутация тизимлари билан алмаштириш ҳисобланади. Лойиҳани амалга

ошириш жараёнида маънавий эскирган телекоммуникацияларни, замонавий, рақамли ускуналарга алмаштириш бўйича ишлар бажарилди;

“Ўзбектелеком” АК Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш ва модернизациялаш”. Лойиҳа доирасида Халқаро пакетли коммутация марказида боғламанинг техник имкониятларини оширишни таъминловчи юқори маҳсулдорликдаги маршрутизаторлар ўрнатилди. Ҳисобот даври якунига келиб, Халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказиш қобилияти 10 Гбит/секунддан 40 Гбит/секундгача ошди.

“Uzmobile” филиали (CDMA-450) мобил алоқа тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш”. “Uzmobile” филиали симсиз уланиш тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- Республиканинг узоқ жойларда жойлашган минтақаларида аҳоли ва ташкилотларни жаҳон стандартлари даражасидаги сифатли алоқа билан таъминлаш;
- Энг янги технологияларни фойдаланишга топширилишини таъминлаш;
- Шаҳарлараро ва халқаро трафик ҳажмини ошириш;
- Маълумотлар узатиш трафик ҳажмини ошириш;
- Кейинги авлод тармоқларига ўтишни ҳисобга олиб, мобил алоқа тармоғини янада ривожлантиришдир.

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад қўшимча база станциялари ва бошқа ускуналарни ўрнатиш йўли билан “Ўзбектелеком” АК нинг CDMA 2000 1x ва CDMA 2000 1x EV-DO 450- MGts тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш ҳисобланади. Уни амалга ошириш тармоқнинг камрови ва ўтказиш қобилиятини кенгайтиришни, тақдим этилаётган CDMA-450 стандартидаги ҳаракатдаги мобил алоқа хизматлари ҳажмини, турларини кенгайтириш ва сифатини оширишни таъминлайди.

CDMA-450 стандарти бўйича симсиз тармоқ камровини ошириш мақсадида 140та база станцияларини ва бошқа ускуналарни ўрнатиш бўйича ишлар бажарилди, бунинг натижасида CDMA-450 стандарти мобил алоқаси

республика аҳоли пунктлари сонига нисбатан қамров даражаси 71.3 фоизга етди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида унинг самаралилик даражаси ҳам белгиланиб борилади. Шу билан бир қаторда, эришилган натижаларга кўра ҳисобот даврида компаниянинг харажат ва даромадлари ҳисоблаб чиқилиб келгусидаги инвестиция лойиҳаларига режа кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 декабрдаги ПҚ-1855-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 январдаги 02-02/1-190-сон баёни асосида 2013 йилда амалга оширилган ишлар:

1. Халқаро коммутация марказларини NGN технологияси асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси;


2. “CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологияси қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ривожлантириш”;

3. “Ўзбектелеком” АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача захиралаш ва кенгайтириш”;

4. “FTTx технологияси асосида кенг поласали оптик тармоқларни ривожлантириш” лойиҳалари амалга оширилди.

2013 йилги Инвестиция дастурига Қўмита бўйича киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами 242,5 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилиб, режа (113,9 млн. АҚШ долл.) 213 фоизга бажарилди.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологияси ёрдамида ривожлантириш” ва “FTTx технологияси асосида кенг поласали оптик тармоқларни ривожлантириш” лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги ПҚ-2069-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури”нинг манзилли қисмига киритилди.



4-расм. 2013 йилда тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар

2013 йилги Инвестиция дастури икки баравардан кўпроқ ортиғи билан бажарилган бўлсада, айрим лойиҳалар бўйича тасдиқланган тармоқ жадвалларидан ортда қолиш ҳолатлари кузатилди. 2014 йил Инвестиция дастурини бажарилишида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик олдини олиш бўйича барча зарурий чоралар кўриш талаб этилади.

2013 йилда 2257,4 км.дан ортиқ оптик-толали алоқа линиялари фойдаланишга топширилди ва шаҳарлараро, халқаро, зона ичи ва маҳаллий алоқа каналлари умумий узунлиги 381,3 млн. канал/км., улардан, ташкил этилганлари 368,2 млн. канал/км.ни ташкил этди.

Республика вилоятлари, туман марказлари ва шаҳарларнинг рақамли телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиниши 100 фоизни, қишлоқ аҳоли пунктларини телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси 96 фоизни ташкил этди. Республика ҳудудида CDMA-450 технологияси бўйича мобил тармоғи билан қамраб олиш зонаси 74 фоизни ташкил этди.

Тақдим этилаётган хизматлар қаторида: телефония, телеграф алоқаси ва коммутация орқали Интернетга уланиш, бугунги кунда катта талабга эга

бўлган Интернетга замонавий кенг полосали (юқори тезликда) уланиш, IPTV интерактив рақамли телевидения хизмати, CDMA-450 технологияси бўйича мобил алоқаси, шунингдек, кенг полосали 3G (EVDO) уланиш хизматлари мавжуд.

2013 йил натижаларига кўра Интернетга кенг полосали уланган абонентлар сони 62 фоизга, IPTV фойдаланувчилари сони 4,3 баробар, мобил алоқаси хизмати фойдаланувчилари сони 72 фоизга ўсди, маҳаллий телекоммуникация тармоғига уланиш учун абонентлар аризасининг қондирилиши юқори даражада таъминланди.

2013 йил мобайнида Интернет тармоғига уланиш тезлигини 30 фоизга ошириб, 10 Гбит/с.дан ортиқ тезликка эришилди, Интернет-провайдерлари учун 1 Мбит/с. нархи 1,3 марта пасайтиришга эришилди.

CDMA-450 стандартидаги симсиз тармоқ билан қамраб олиш зонасини ошириш мақсадида 140 базавий станцияларини ўрнатиш бўйича ишлар амалга оширилди, натижада CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа қамраб олиш зонаси республика аҳоли пунктлари сонига нисбатан 71 фоизни ташкил этди. «Ўзбектелеком» АК тармоғида ҳаммаси бўлиб, «Ягона ойна» тамойили бўйича ишлайдиган 163 та UZTELECOM сотувлар офиси мавжуд.

2013 йилда компаниянинг инвестиция фаолияти «Ўзбектелеком» АК олдида турган, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатбардошлик ҳолатини мустақамлашга йўналтирилган асосий вазифалар асосида амалга оширилди.

2014 йилги Инвестиция дастурига Қўмита бўйича киритилган лойиҳаларга асосан жами 228,01 млн. АҚШ долл. миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши белгиланган. Дастурдаги 9 та лойиҳадан 5 таси «Ўзбектелеком» АК иштирокида бажарилиши режалаштирилган яъни ўзлаштирилиши белгиланган маблағнинг 48,3 фоизи.

2014 йил Инвестиция дастури бўйича режани ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун:

- лойиҳалар бўйича тегишли хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш,

хамда лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга оширилиши бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш;

- “Жиззах” МИЗда “Ўзбектелеком” АК ва Хитойнинг тегишли компаниялари билан кўшма корхоналар тузиш ҳамда ишга туширилишини ва бинолар қурилиши билан боғлиқ масалаларни жадаллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги ПҚ-2069-сон қарори асосида 2014 йилда амалга оширилиши белгиланган лойиҳалар:

1. “CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологияси қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ривожлантириш” лойиҳаси;
2. “FTTx технологияси асосида кенг поласали оптик тармоқларни ривожлантириш” лойиҳаси;
3. “Ўзбектелеком” АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача захира лаш ва кенгайтириш” лойиҳаси;
4. “GPON телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқариш ва/ёки йиғиш” лойиҳаси;
5. “Оптик алоқа тармоқларини қуриш учун қурилма ва аксессуарлар ишлаб чиқариш ва/ёки йиғиш” лойиҳаси.

Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши билан 2014-2015 йилларда эришиладиган натижалар:

1. 2014 йил якунига “CDMA-450 мобил тармоғини кенг поласали EVDO технологияси асосида қўшимча 201 та база станциялари ўрнатилди, 118 та база станцияларини модернизация қилинди, натижада 10 040 та аҳоли масканларининг CDMA-450 симсиз тармоғи билан қамров даражаси 84% га етказилди.

2014 йил якунига:

- EV-DO база станциялар сони 534 та (бугунги кунда 215 та);



5-расм. EV-DO база станциялар сони

- EV-DO тармоғи алоқа қамрови 23% га (бугунги кунда 13,11%);
 - Умумий 11831 та аҳоли масканларидан (84%) 10040 таси .
2. Республика бўйлаб FTTx тармоғи 110 минг портга кенгайтирилди.
 3. “Ўзбектелеком” АК мавжуд магистрал ва зонаичи транспорт тармоқларини захираланди, халқаро йўналишларга чиқиш тезлигини 100 Гбит/сек.га, вилоят марказларигача магистрал тармоқ ўтказувчанлигини 40 Гбит/сек.га, зонаичи магистрал тармоқ ўтказувчанлигини 10 Гбит/сек.га етказилди;
 4. 200 та касб хунар коллежлари “Электрон таълим” Миллий тармоғига уланди.

Шунингдек, “Халқаро коммутация марказларини янги авлод тармоғи (NGN) технологияси асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси доирасида 2013 йилда Тошкент, Бухоро ва Фарғона ХКМларини IMS технологиясини қўллаган ҳолда кенгайтириш белгиланган. Ҳозирда зарур телекоммуникация ускуналарини етказиб бериш учун “Invers on Technologies SA” (Швейцария) компанияси билан умумий қиймати 9 348 228, 4 АҚШ долларига тенг шартнома имзоланди ҳамда “Ўзбектелеком” АК томонидан 8 млн. АҚШ долларига тенг бошланғич тўлов амалга оширилди.

Юқорида келтириб ўтилган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989 - сон “Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Қўмита томонидан белгиланган 2020 йилга қадар телекоммуникация технологиялари, тармоқлар ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги 1-сон мажлис баёни билан 2000 км.дан зиёд оптик толали алоқа линиялари қурилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда:

- “Бузатау -Кунград” йўналишида - 60,93 км;
- “РТС Муйнак-Кибла Устюрт” йўналишида - 82 км;
- “Гузар-Байсун” йўналишида - 50 км;
- “Денау-Узун, Узун-Шаргун, Узун- Таджикистана чег.” -52,382 км;
- Ангрен-Поп йўналишида - 26,32 км;
- АТС Гузар Химкоплекс-АТС йўналишида - 75,6 км;
- “200 та касб хунар коллежларини “Электрон таълим” тармоғига улаш” 218,1 км;
- “ФТТх технологияси асосида кенг полосали абонент тармоғини ривожлантириш” - 193,5 км;
- “ЙПХ” масканларига ОТАЛ қуриш - 43,70 км;
- умумтаълим мактабларига алоқа каналларини ташкил этиш бўйича - 590 км;
- ва бошқа лойиҳалар бўйича 300 км дан зиёд, умумий узунлиги 1750 км оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури” Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 январдаги 5-сон баёнига мувофиқ “Навоий” ЭИИХ да “Telecom Innovations” ва “Olive Telecom” қўшма корхоналари томонидан 2013 йил 1 октябрь ҳолатига 12,8

млрд. сўм миқдорида телекоммуникация маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан:

“Telecom Innovations” қўшма корхонаси томонидан 28 500 дона рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи Set-Top-Box ускуналари, 48 000 дона ADSL модемлари, 23 680 портли DSLAM ускуналари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳисоботдаврида 30 855 дона Set-Top-Box ускуналари (режа 108%), 54 286 дона ADSL модемлари (режа 113%), 23 680 портли DSLAM ускуналари ишлаб чиқарилди (режа 100%);

“Olive Telecom” қўшма корхонаси томонидан 6 000 дона стационар (режа 21%) ва 15 000 дона мобил телефонлар (режа 54%), 1 010 дона компьютер планшетлар (режа 10%) ишлаб чиқарилди. Режанинг бажарилмаганлиги сабаблари чет эл мол етказиб берувчи хамкорлар томонидан бутловчи материаллар ўз вақтида етказиб берилмаганлигидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ахборот коммуникация ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаси бўйича қурилмаларни етказиб берувчи компания билан бирга ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган қурилмалар рўйхати аниқланди ва Бизнес-режа лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирда хитойлик хамкорлар билан Бизнес-режа ва таъсис шартномаларини келишиш ишлари олиб борилмоқда.

“Жиззах” МИЗ Маъмурий кенгашининг 2013 йил 20 апрелдаги 1-сон баёнига асосан, “Жиззах” махсус индустриал зонасида амалга оширилиши мўлжалланган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхатига “Ўзбектелеком” АК томонидан 4 та лойиҳани амалга оширилиши белгиланган бўлиб, Бугунги кунда мазкур лойиҳалар бўйича:

2013 йил 9 апрелда Пекин шаҳрида (Хитой) ўтказилган инвестиция форуми доирасида тегишли хамкорлик меморандумлари имзоланган;

2013 йил 3-4 июл кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Хитой компаниялари учун “Жиззах” махсус индустриал зонасининг имкониятлари” форуми доирасида “ZTE”, “ZTT.”, “Азия Телко” ва “Huawei” компаниялари ҳамда “Ўзбектелеком” АК ўртасида телекоммуникация ускуналарини ишлаб

чиқариш/йиғишни йўлга қўйишга қаратилган тегишли келишув битимлари имзоланган;

“Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида 2 Гектар Ер майдонини захиралаш бўйича дирекцияга мурожаат йўлланган;

тармоқ жадваллари тегишли вазирликлари билан келишилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тегишли топшириқларга мувофиқ “Ўзбектелеком” АК томонидан телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш бўйича қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция борасидаги барча олиб борилаётган фаолиятларнинг негизида мамлакатимизнинг ривожланиши ва янада юксалиши муҳим рол ўйнайди.

II БОБ бўйича хулоса

Иккинчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда авваламбор юқорида келтирилган ҳолатлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхоналарда бозор шароитида янги ишлашлари учун корхонага ёрдам берувчи ва бозор шароитида фойда олишга, бозорда ўз ўрнини топишда ёрдам берувчи маркетингга эҳтиёжлари пайдо бўлиши керак. Ҳозирги кунда телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустақкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, «Ўзбектелеком» АК нинг ўз фаолияти доирасида амалга ошираётган ишлари, бажараётган вазифаларини кўриб чиқиш, унинг инвестиция фаолияти ҳолатини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни компаниянинг фаолияти жараёнида олиб борилаётган инвестиция лойиҳалари, унинг барқарор ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Компаниянинг инвестиция фаолияти “Ўзбектелеком” АК олдида турган, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатбардошлик ҳолатини мустақкамлашга йўналтирилган асосий вазифаларни кечиктирмасдан амалга оширилишини тақозо этади.

III БОБ. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ИСТИҚБОЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

1. «Ўзбектелеком» АК да инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Тадқиқот ишини бажариш жараёнида шунга амин бўлдик-ки, телекоммуникация корхоналарини инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳамда корхонанинг инвестицион жалб қилувчанлигини ошириш концепцияси ўз ичига қўйидаги стратегияларни олиши лозим:

- тижорат ва маркетинг;
- ташкилий-бошқарув;
- технологик янгилаш;
- валютавий тушумини кўпайтириш;
- хизмат кўрсатишга янгича ёндашув;
- дилерлик тармоғини ривожлантириш.

Таклиф этилаётган стратегиялар орасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришга тўғридан-тўғри таъсир этадиган стратегия бу – компаниянинг валютавий тушумини кўпайтириш стратегияси ҳисобланади.

Шу билан биргаликда Компаниянинг бу стратегияси ривожланишнинг технологик стратегиясининг асосини ташкил қилади, бошқача қилиб айтганда, у бошчилик қиладиган стратегиядир. Тижорат ва маркетинг стратегиясининг асосий вазифаси 2011 йилнинг ўзидан бошлаб асосий йўналиш ва кўрсаткичлар бўйича юқори динамикани таъминлаш ва уни белгиланган муддат давомида қўллаб-қувватлаб туришдир. Бу стратегия кўпчилик лойиҳаларда муваффақиятли амалга оширилиши, сотиш ва даромад динамикасига тўғридан-тўғри ва минимал муддатларда таъсир қилиши сабабли, улар кўпчилик ҳолларда биринчи даражали ишлар сифатида қабул қилинади.

Тижорат стратегиясининг асосий вазифаларидан бири – “Компанияни мижоз томонга ўтиши ва мижозга яқинроқ бўлишдир”, бу эса ўз-ўзидан

абонент база ва даромадни кўтариш омилларини таъминлайди. Шу сабабдан, бу стратегия доирасида қатор концептуал лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Аҳолига “Ягона ойна” тизими орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича комплекс лойиҳасини амалга ошириш айнан шу вазифага қаратилган. Бугунги кунда Компания барча операторлар орасида энг кенг ва республика ҳудуди бўйича ёйилган абонентлар бўлими тармоғига эга. Шу билан бирга, бугунги кунда Компания ишлаб чиқариш тармоғи ва ҳудудий қамраб олинганлиги бўйича энг кучли технологик потенциалга, телекоммуникация хизматларининг энг кенг спектрига ва умуман олганда рақобатбардош тарифларга эга. Аммо бу омилларнинг ҳаммаси абонент бўлимлари ишларининг ҳаддан ташқари паст унумдорлиги (сотув вертикалининг шартлилиги), мижозларга хизмат кўрсатишнинг паст даражадалиги ва сотувларни бошқаришнинг аниқ вертикалининг йўқлиги минимал даражага олиб борилмоқда. Бундай муаммолар Компанияга ўзининг техник параметрлар жиҳатидан анча кучсиз рақобатдошлари билан рақобат қилишга имконият бермаяпти. Бундан ташқари, компаниянинг деярли барча филиаллари сотувнинг бир тизимига тўлақонли интеграциялашмасдан ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш бир бутун тизимсиз ўзининг сотув офислари тармоғини ўзлари ривожлантирадилар. Шу тариқа, мижоз Компания филиаллари хизматларини ўзаро тасаввур қила олмайди, уланиш, тўлаш ва бу хизматларини бошқариш мижоз учун қийинлашиб боради. Ягона ойна тизими орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш сотув бўлимларининг анча унумдор ва самарали ишлашини, бозор талабларига жавоб берувчи хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини киритишни таъминлайди ва энг асосийси – Компанияни мижоз томонга ўгиришга, уни мижозга яқинроқ бўлишига имкон яратади ҳамда мижоз билан Компания ўртасидаги ўзаро муносабатларни енгиллаштиради.

Компанияни ривожлантириш стратегиясини самарали амалга ошириш учун авваламбор кўйидаги йўналишларда амалий ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Абонент бўлимларини такомиллаштириш, у ягона корпоратив стандартга мувофиқ бўлиши, бозорнинг эстетик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлиши керак, у ўз ичига фасаднинг таъмирланиши ва биноларнинг интерьерларини ҳам, интерьер нарсалари ва жиҳозларининг ҳамда компьютер ва ташкилот техникаларини янгилашни ҳам ўз ичига олиши керак.

2. Бизнес-жараёнлар ва уларнинг автоматлашувини янгилаш билан филиаллар абонентлари билан ишлашнинг ягона умумлашган жараёнини киритиш.

3. Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари ва ишларига тамомила янги талабларни киритиш – Компания барча Фронт-офиси бўлинмалари (филиаллари) нинг кадрлар таркибида комплекс ислохотлар олиб бориш, яъни бу бўлинмаларга абонент бўлимлари (Ягона ойна тамойилига асосан), марказлаштирилган телефон қилиш маркази (ягона рақамларга эга ахборот хизмати ва техник ёрдам кўрсатиш хизмати), жойига чиқиб техник ёрдам кўрсатиш маркази (монтер ва бошқалар) киради. Бошқа сўзлар билан айтганда – ислохотлар миждозлар билан тўғридан-тўғри муносабатга киришиш функциясига эга ҳар бир ишчи ва бўлинмани ўз ичига олиши даркор.

4. Компания аппаратидан бошлаб сотувларни оператив бошқаришнинг аниқ ва тушунарли вертикалини киритиш. Ушбу қуйи лойиҳа сотувларни марказлаштирилган бошқаришнинг аниқ ва мустаҳкам вертикалини ташкил этишни ўз ичига олади, бунда ушбу вертикал бирламчи маъно ва мазмунга эга бўлиши керак ва бошқа барча бўлинмаларга ишлаш жадаллиги ва йўналишини кўрсатиб бериши керак. Шу билан биргаликда, ушбу лойиҳа доирасида сотув вертикали ишчиларини рағбатлантирувчи тамоман янги, тушунарли ва асосийси тўғри ишловчи модел киритилиши даркор. У

кимматли ишчиларни жалб қилиш ва ушлаб туришнинг асосий омили бўлиб қолади (бозорда тўлов даражасининг рақобатбардошлилиги) ва аксинча, вертикал кучсиз ишчилардан тозаланади.

Ўз-ўзидан маълумки, ушбу комплекс лойиҳа бир босқичда амалга оширилиши мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам, лойиҳани биринчилар қаторига кўшиш керак. Бунда Тошкент шаҳрида ва вилоятларда камида 1-2 тадан тамоман янги сотув офисларини тақдим этиш керак. Биринчи босқич доирасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти барча абонентларига хизмат кўрсатишнинг ягона телефон қилиш марказлари ишларини ислохот қилиниши ҳам тугатилиши керак.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида абонент бўлинмаларининг ҳаммаси такомиллаштирилган ва янги сотув офислари сифатида таништирилган бўлиши керак, уларнинг хажми худди шундай бўлиши шарт эмас. Мижозларнинг барча кўнғироқлари эса ягона телефон қилиш марказида ишланади.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳани амалга ошириш натижасида Компания умумлашган сотув тизими ва тармоғига эга бўлади. У ўз ичига Компания барча филиалларининг аҳолига кўрсатаётган ҳамма хизматларини камраб олади. У территориал чегараларга эга бўлмайди, яъни хоҳлаган сотув офиси компаниянинг исталган мижозига хизмат кўрсатиши мумкин, бунда у махсус талаб ва чекловларга эга бўлмайди.

Кейинги маркетинг стратегиянинг асосий лойиҳаси бундан олдинги лойиҳа билан чамбарчас боғлиқ ва параллел бўлиб, у реклама қилишнинг янги стратегияси ва компаниянинг сотув маркаларини тўлиқлигича ребрендинг қилишдир. Бугунги куннинг ўзида компания 2 млн. абонентларга эгаллигини ва кейинги беш йил ичида абонентлар сонини сезиларли даражада оширишни ўзига мақсад қилганлигини ҳисобга олган ҳолда биринчи мижоз реклама ва реклама маҳсулоти орқали Компанияга келганлигини эътибордан четда қолдириш керак эмас.

Бу эса ўз – ўзидан компаниянинг битта ёки бир нечта сотув маркаларини профессионал тақдим этишни талаб этади. Бундай ёндашиш куйидагиларни эътиборга олиши керак:

А. Юридик омил – брэнд ва суб-брэндларни ҳуқуқий ҳимоялаш ва легаллаштириш;

Б. Брэнд ва суб-брэндларни қабул қилиш онгли омили – фалсафий, яхшилик ва юқорилик рамзи сифатида қабул қилиш;

В. Қабул қилишнинг эстетик омили – яъни яхши (гармоник) эшитилиши ва чиройли визуал кўриниши;

Г. Қабул қилишнинг онгсиз омили – брэнд ва унинг элементларининг эсда қолиши ҳамда уларнинг ижобий маъно ва ижобий ҳиссиётлар билан боғланиши ҳамда суб-брэндларнинг ўзаро боғланиши;

Д. Иқтисодий омил – тўлақонли номоддий актив сифатида брэндни капиталлаштириш имконияти, яъни уни стандартлаштириш ва тизимлаштириш;

Е. Рекламанинг унумдорлиги омили – рекламага сарфланган ҳар бир сўмнинг оператив қайтарилишини максималлаштириш.

Бугунги кунда санаб ўтилган омилларнинг биттаси ҳам Компаниянинг брэндлари ва суб-брэндларини тақдим этишда тўлақонли ишлаб чиқилмаган ёки ҳал қилинмаган. Кейинги беш йил учун Компания олдида қўйилган мақсадлар ва режалаштирилган ривожланиш динамикаси Компания бошқарувини ушбу лойиҳани биринчилар қаторига қўшишга ва Компания ривожланишида брэнднингга профессионал ва тизимли ёндашишнинг йўқлиги сабабли вужудга келадиган рискларни тамоман бартараф этишга мажбур қилади.

Таклиф этилаётган лойиҳа куйидаги суб-компонентларни ўз ичига олади:

1. Брэнднинг янги стратегияси ва фалсафасини (ва суб-брэндларни, агар улар кўзда тутилган бўлса) ва сифат стандартларини ҳамда

брэндларнинг тушунарли дарахтини – асосийдан бошлаб хизматнинг ҳар бир сегментигача ишлаб чиқиш.

2. Янги стратегияга асосан янги визуал ва товуш элементларини ишлаб чиқиш ва халқаро талабларга асосан уларни ҳужжатлаштириш.

3. Ҳамма реклама материаллари, ҳужжат шаблонлари ва брэнднинг визуал ва товушли элементларини бошқа ташувчиларни тўлиқ ўзгартириш, шулар қаторида Компания хизматларига олдиндан тўлаш карталарини битта универсал картага ўтказиш.

4. Аҳоли учун тамоман янги тариф пакетларини ишлаб чиқиш ва бозорга олиб кириш – улар соддалаштирилган, барчага тушунарли ва қайсидир маънода “агрессив” бўлиши керак. Бундай омилда алоҳида бир нарсани эътиборга олиш керак, тариф сиёсатининг баъзи бир тарифларнинг пасайтирилиш тарафига тубдан ўзгартирилиши берилган хизматлар бўйича абонентлар сонини кўпайтиришга ва даромадларни оширишга нисбатан кўйилган мақсадларга эришиш учун асосий омил сифатида намоён бўлади. Бунга яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ҳамда Ўзбекистонда яқинда мобил алоқа бозорининг ривожланишининг янги тўлқини далил бўлади.

5. Янги маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, у янги брэндни бозорга киритиш, унинг кейинги мустаҳкамланиши, брэнд ва суб-брэнд билан боғланган маълум бир хизматлар рекламаси бўйича ҳар йилги медиарежани ўз ичига олади.

6. Компанияда PR компонентларини кучайтириш – Компания веб-сайтлари форматини ва тузилишида ислоҳот ўтказиш (форматни филиаллардан хизматлар ва бозор сегментларига ўтказиш), корпоратив блокни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

Кейинги йилларнинг рекламалаштириш ишлари ушбу лойиҳанинг асосий ташкил этувчи қисми бўлиши тахмин қилинапти. Компания рекламасининг асосий йўналиши имидж рекламасидан аҳоли учун маълум бир хизмат ёки тариф рекламасига қаратилади, шу билан ўзининг асосий

функциясини бажаради – маълум бир хизматларга янги мижозлар жалб этилади.

Ушбу лойиҳа Ягона ойна тизими лойиҳасини киритиш билан биргаликда интеграллашади, у Компания филиаллари ва унинг барча хизматларини бир бутунга киритиш даражасида олиб борилади.

Оддий сўзлар билан айтганда, ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида сотув офислари рекламасида бошқа филиаллар номлари кўрсатилмайди, бунинг ўрнига қайси филиал бу хизматни (телефония, мобил телефония, интернетга кириш, мобил телефонлар орқали кўнғироқ қилиш учун олдиндан тўлов ва бошқалар) ишлаб чиқаришидан қатъий назар аҳоли учун бўлган барча хизматлар бир брэнд (суб-брэнд) асосида реклама қилинади. Бу комплекс ва кўп босқичли лойиҳани амалга оширишнинг яна бир муҳим натижаси Ўзбекистонда кенг полосали кириш (КПК) бозорини ривожланишининг янги тўлқини бўлади, буни эса кўзгалмас алоқани тақдим этувчи йирик миллий оператор ташкил этиши ва қўллаб-қувватлаши керак.

Корпоратив секторда хизматлар сотуви тузилишини ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳасини амалга ошириш йирик корпоратив мижозларга (яъни давлат ташкилотларига) диверсификациялашган, эътиборлироқ ёндашувни таъминлашга ёрдам беради. Ушбу лойиҳа доирасида битта тор ихтисослашган филиал таркибида корпоратив сотувни бошқариш аниқ тузилмасини киритиш назарда тутилади. Бу филиаллар ўртасида бир хил корпоратив мижозлар учун бўлган ички рақобатни муаммосини бартараф этишга ҳамда Компанияга корпоратив сотувлар бозорида рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради. Аҳолига Ягона ойна лойиҳасига ўхшаб ушбу лойиҳани ягона филиал тузилмасидан корпоратив фойдаланувчилар учун барча хизматларга Ягона ойна ва Ягона келишув сифатида тавсифлаш мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш вақтида қуйидаги компонентлар ҳал этилиши ва тадбиқ этилиши зарур:

1. Бир тузилмали бўлинма доирасида корпоратив мижозлар учун барча телекоммуникация хизматларини ягона тариф пакетларига интеграциялаш.

2. Корпоратив сотувлардан келадиган ҳажм ва даромадларни биргаликда ишлатиш бўйича филиал ва бошқа қолган филиаллар ўртасида аниқ муносабатларни расмийлаштириш, ҳужжатлаштириш ва ташкил этиш.

3. Кадр компоненти – унумдор ва ишчан тузилмани ишлаб чиқиш, филиал менежерлари малакасини танлаш ва ошириш, мотивациялашнинг тушунарли ва самарали тизимини киритиш. Алоҳида эътибор сотиш департаменти менежерлари тузилмаси ва таркибига қаратилмоғи даркор.

4. «Кафолатланган хизмат кўрсатиш даражаси» (SLA) стандарти ва ёндашувини ташкилий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш (технологик жиҳат унга тааллуқли бўлимда режалаштирилган).

5. Маркетинг компоненти – «Ребрендинг» лойиҳасига мос ва интеграллашган, корпоратив секторга нисбатан маркетинг сиёсатини комплекс кўриб чиқиш ва манзилли ҳамда индивидуал маркетингнинг самаралироқ каналлари ва воситаларини тадбиқ этиш.

6. Корпоратив сектор учун хизмат ва тарифлар пакетини модернизациялаш ҳамда корпоратив сектор учун тамомила янги хизмат турларини киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Шунга мувофиқ, берилган филиалнинг кейинги ривожланиши корпоратив сектор учун тамомила янги хизмат турларини киритиш суб-лойиҳаларини ўз ичига олиши ёки киритилган хизматларни бутунлай янги даражага олиб чиқиши керак. Бундай хизматларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:

А. Бутун дунё бўйлаб ёйилиб бораётган - «Telepresence» асосида видеоконференция хизмати. Бу хизмат тўлақонли бизнес келишувларни олиб боришга қаратилган.

Б. Йирик ташкилот ва идораларнинг ички корпоратив алоқага бўлган барча талабларини тўлиқ қондира оладиган тўлақонли виртуал корпоратив коммуникация тизими (овоз, матнли хабарлар, электрон почта, видео). Шу

йўл билан ушбу ташкилотлар ўзларининг АТС ва коммуникация тизимларини ташкил этиш ва киритишнинг мақсадга мувофиқлигини минималлаштириш.

В. Ахборот хавфсизлигининг халқаро талабларига жавоб бера оладиган маълумотларни сақлашнинг виртуал тизимлари.

Г. Вируслар ва тўғридан-тўғри тармоқдан ташланишлари ва киришлари (Intrusion Prevent Systems) дан корпоратив ва идоралар тармоқларини марказлаштирилган ҳимоя қилиш хизмати. Хизматнинг ушбу тури тармоқнинг ахборот хавфсизлиги (Managed Security Services) хизматининг нисбатан янги тури ҳисобланади. Бу хизматнинг маъноси шундаки, корпоратив мижоз, давлат идораси ёки суб-оператор тармоғига келувчи барча трафиклар тармоқларнинг ахборот хавфсизлиги маркази комплекс аппарат дастуридан ўтказилади. Унда трафик замонавий таҳлил технологиялар асосида филтрланади ва унда вирус бўлиши ёки ахборот хужуми бор ёки йўқлиги аниқланади. Шу билан биргаликда филтрлаш каналлар сифатига таъсир қилмайди ва трафикнинг қўшимча ушланиб қолганига деярли таъсир қилмайди.

Д. Йирик корпоратив мижозлар ва давлат идоралари ишлатиши мумкин бўлган кўп томонлама видеоконференция хизмати. Бу хизмат оммага тақдим этилмайди, ундан фақат рўйхатдан ўтган корпоратив тузилмалар фойдаланиши мумкин. Улар маҳаллий ёки хорижий бўлиши мумкин, асосийси улар керакли бўлган видео-терминалларга эга бўлишлари керак.

Е. Йирик идораларнинг махсус ихтисослашган телекоммуникация хизматларига бўлган индивидуал талабларини тижорат асосида таъминлаш (масалан, шаҳар транспортини бошқариш мақсадида автотранспортни кузатиш тизимларига маълумотлар юбориш муҳити, оператив ҳаракат қилиш – Тез ёрдам, Милиция, Ўт ўчириш хизмати ва бошқа хизматларга овоз, видео ва маълумотларни ўтказиш муҳити).

Корпоратив секторга тақдим этиладиган хизматлар турларини кенгайтириш ва ривожлантириш каби бу ва бошқа суб-лойиҳалар

ривожланишнинг инвестициявий ва технологик стратегиясида эътиборга олинishi керак.

Қўшимча хизматлар спектрини ривожлантириш ва кенгайтиришни жадаллаштириш ҳамда уларнинг ёйилиб бориши аҳолига хизмат сотувларини ривожлантиришнинг ажралмас қисмига айланиши керак. Аҳоли учун барча телекоммуникация хизматларини (мобил алоқадан ташқари) тақдим этишда ҳеч шубҳасиз етакчилик қилиш ва даромадларни диверсификациялаш мақсадлари берилган муддатларда амалга оширилиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда жаҳонда оммавий хизматларнинг ривожланиш майллигини эътиборга олган ҳолда қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш керак:

1. Юқори сифатли (жумладан HD) IP телевиденияларига уланиш имконини берувчи хизматлар пакетини киритиш ва бу билан бир келишувда (ва керак бўлса бир тармоқда) уй фойдаланувчилари учун тўлақонли Triple Play пакети хизматларини тақдим этиш (Телефон, Интернет, Телевидение). Ушбу хизмат турига абонентлар томонидан оммавий талабни таъминлаш учун ҳозирги кабел тармоқлари билан рақобатбардош тарифларни киритиш керак.

2. Хизматларни ёйдириш, аҳолига IP телефония/видео-телефония (NGN) хизматлари анъанавий телефонияга тамомила муқобил йўл сифатида оммавий талабни ҳосил қилиш ва таъминлаш. Бу эса ўз навбатида кўзғалмас алоқа хизматидан бир абонентга тўғри келадиган ўртача даромадни оширишга ва кўзғалмас алоқа хизматини янада янгироқ, жозибадорроқ ва функционалроқ қилиб, унга янги талабларни вужудга келишига имконият беради. Ушбу лойиҳада асосий ўринни бу хизматни тақдим этиш ва маркетинг усули асосий ўринда туради. IP телефония бизнес-классни ҳаётда қўшимча интерфаол функцияларни қўлламаган ҳолда анъанавий ва IP телефония ўртасидаги фарқни аниқлаш қийин.

3. CDMA-450 стандарти асосида оммавий талаб учун қишлоқ худудларига кўзғалмас алоқа хизматлари тарифларининг пакетларини

киритиш ва ёйиш. Ушбу лойиҳанинг муваффақияти таклиф этилган тарифлар даражасига боғлиқ бўлади. Улар анъанавий кўзгалмас алоқа тарифларига яқин бўлиши даркор.

4. Аҳоли учун Интернетга мобил кириш хизматига оммавий талабни ёйиш ва таъминлаш. Жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда айтиш мумкинки, симли кенг полосали кириш (КПК) га ҳеч қачон ўриндош ёки муқобил (рақобатбардош технология) бўла олмайди, у қўшимча хизмат тури бўлади. Ва шу билан кенг полосали кириш абонентидан ўртача даромад олиш кўрсаткичини кўтаришга рухсат беради.

5. Оммавий WiFi хот-спотлари – Интернетга симсиз кириш пуллик хизматини киритиш. Ушбу хизмат ҳам худди шундай қўшимча даромад келтириш ва абонентлар содиқлигини оширишга қаратилган. Ушбу хизмат аноним (абонентларнинг счетларига боғланмаган ҳолда) ҳисобланади ва карточкалар (ёки виртуал карточкалар) асосида олдиндан тўлаш орқали сотилиши мумкин.

6. Dial-UP хизмати ривожланган дунёда “ўлик” ҳисобланишига қарамай, ушбу хизматни келажакда КПК га талабни рағбатлантирувчи сифатида кўришимиз мумкин ва унинг сезиларли даражада арзонлаштирилгани таклиф этилиши мумкин. Dial-UP га кўтарилган талаб ўз навбатида автоматик равишда кўзгалмас алоқа хизматларига қўшимча талабни таъминлайди.

7. Нархларни тушириш билан биргаликда телекоммуникация хизматлари (КПК, IPTV, Мобил Интернет ва бошқалар) га талабни оширишни рағбатлантирувчи иккинчи омиллардан ва асосий лойиҳалардан яна бири бу – мос келувчи хизматни тақдим этишнинг бутун даврида абонент курилмаларини ижарага ёки узоқ муддатга (14-20 ойга) лизингга бериш ишчан ва барча фойдаланиши мумкин бўлган бизнес моделини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

2. «Ўзбектелеком» АК инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш чора-тадбирлари

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва шу билан бир каторда, хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига кўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан ўз ўрнида самарали фойдаланишга қаратилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уларни молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида тўғри йўналтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, телекоммуникация хизматлари бозорида «Ўзбектелеком» АК истеъмолчиларининг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатга олиб ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда, саноат корхоналарини кенг миқёсда ислоҳ этиш, энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, уларда илғор илм-фан ютуқлари ва инновация технологияларини жадал тадбиқ этиш, юқори

малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш ва шу орқали мамлакатимиз sanoat mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish, bozor konyunkturasini o'zgartirishga bog'liqligini kamaytirish kelgusida investitsion loyihalarni ishlab chiqish va ularni amalga oshirishda keng imkoniyat yaratib beradi.

Eng muhim iynalishlardan biri bu – soxada ishlab chiqarishni rivojlantirish bo'lib, bu borada “TELMAX ELEKTRONIKS” MCHJ ICHK, “Telecom Innovations” QK hamda “Navoiy” EIIHda “Olive Telecom” QK MCHJlar tomonidan jami 17 851,2 mln. s'umlik mahsulotlar ishlab chiqarilgan, u'sh 1,8 barobar. 17 311,3 mln. s'umlik mahsulot sotilgan bo'lib, u'sh 3,2 barobar.

PQ-1989-son qarori bilan “O'zbekiston Respublikasida telekommunikatsiya texnologiyalari, tarmoqlari va aloqa infratuzilmasini 2013-2020 yillarda rivojlantirish dasturi” tasdiqlangan. Mazkur dasturga muvofiq 2013-2014 yillarda quyidagi investitsion loyihalar amalga oshirilgan va 2015 yilda rejalashtirilgan:

1. “Keng polosali optik tarmoqlarni rivojlantirish” loyihasi.

Xisobot davrida keng polosali optik tarmoqlarini rivojlantirish uchun Kompaniya tomonidan 87 000dan ortiq port urnatilgan bo'lib, shundan 66 388 tasi foydalanişga topshirilgan va 20 928 tasi topshirish jarayonida.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014 yil 2 dekabrda PQ-2267-son qaroriga asosan loyihani mo'ljalashtirish Xitoy taraqqiyot banki (CDB) kredit mablag'lari hisobidan amalga oshirishi belgilangan bo'lib, 2015 yilda 69 120 portga teng qurilmalar keltilishi kutilmoqda. Loyiha yakuni bilan jami urnatilgan portlar soni 156 mingdan ortiqni tashkil etadi.

2. “Optik aloqa liniyalarini qurish” loyihasi.

2013-2014 йилларда “Ўзбектелеком” АК томонидан умумий узунлиги 4 000 км. дан ортиқ оптик алоқа линиялари қурилди. 2015 йилда 1800 км. режалаштирилган.

3. BRAS қурилмасини ўрнатиш орқали кенг полосали маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш лойиҳаси.

Тошкент шаҳрида умумий сифими бир вақтда 128 минг сессияга тенг BRAS қурилмаси 2014 йилда ўрнатилди. Шунингдек, Бухоро шаҳрида Халқаро пакетли коммутация маркази қуриш лойиҳаси доирасида бир вақтда 128 минг сессияга тенг BRAS қурилмаси 2015 йилда ўрнатилиши режалаштирилмоқда.

4. “Худудларда “ЎзМобайл” (CDMA-450) мобил алоқа тармоғини ривожлантириш орқали юқори тезликдаги Интернет (EVDO технологияси) хизматларини кўрсатиш” лойиҳаси.

2014 йилда лойиҳа доирасида 157 та объектда антенна-мачта қурилмалари ўрнатилди, база станцияларини ўрнатиш учун 67 та контейнерлар ва 20 та хоналар тайёрланди, 28 та база станциялари келтирилиб, монтаж ишлари амалга оширилди. Шунингдек 2015 йилда қўшимча 280 та база станцияларни келтириш бўйича тендер савдолари ўтказилмоқда.

5. “NGN технологияси асосида коммутация қурилмаларини кенгайтириш” лойиҳаси.

2014 йилда Компания томонидан NGN технологияси асосида 20 512 рақамга тенг коммутация қурилмалари (22та-МСАН) ишга туширилди.

2015 йилда NGN технологияси асосида жами 250 000 порт қурилмалар харид қилиш бўйича белгиланган тартибда тендер савдоларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

6. “Коммутация марказларини модернизация қилиш” лойиҳаси.

2014 йилда Бухоро, Фарғона ва Тошкент Халқаро коммутация марказини IMS технологияси асосида модернизация қилиш лойиҳаси

доирасида тегишли телекоммуникация қурилмалари келтирилди ва монтаж ва созлаш ишлари тўлиқ якунланди.

2015 йилда Халқаро коммутация марказини IMS технологияси асосида 100 минг фойдаланувчи учун тармоқни кенгайтириш режалаштирилган.

7. “Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш” лойиҳаси.

Бухоро шаҳрида Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) ва Қўмитанинг ахборот тизимларини тадқиқ қилиш маркази боғламаларини қуриш бўйича тегишли шартномалар имзоланди ва қурилмалар келтирилди.

Бухоро филиали АМТС биносида ажратилган жойда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ишга тушириш муддати 2015 йил.

8. “Ўзбекистон Республикаси магистрал тармоқлар ўтказувчанлигини кенгайтириш” лойиҳаси.

ПҚ-2267-сон қарорига асосан лойиҳаларни молиялаштириш Хитой тараққиёт банки (СДВ) кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, Компания томонидан ускуналарни етказиб берувчи компания билан шарнома имзоланган ва ҳозирги кунда 25,89 млн. АҚШ долларига тенг қурилмалар келтирилиши ва қиймати 23,55 млн. АҚШ долларига тенг қурилмалар учун божхона ҳужжатлари расмийлаштирилди.

2015 йилда лойиҳа натижасида магистрал тармоқлар ўтказувчанлигини халқаро йўналишда 10 маротаба (100 Гбит/сгача), вилоятлар марказларигача 4 маротаба (40 Гбит/сгача) ва туманлар марказларигача 10 маротаба (10 Гбит/сгача) кенгайтирилади.

9. “Маълумотлар узатиш мультисервис тармоқларини қуриш” лойиҳаси.

Лойиҳа доирасида 2015-2017 мультисервис тармоқлар ўтказувчанлигини:

- вилоят марказлари даражасида 40 Гбит/сгача;

- туман марказлари даражасида 10 Гбит/сгача кенгайтириш белгиланган.

Ҳозирда Техник топшириқ ва Дастлабки техник-иқтисодий асос (ДТИА) ишлаб чиқилди. ДТИА тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.

10. “Магистрал оптик линияларни кенгайтириш ва захиралаш” лойиҳаси.

2013-2014 йилда “Ўзбектелеком” АК томонидан лойиҳалар доирасида Ғузор-Бойсун, Мўйноқ-Қибла-Устюрт, Жаслик-Каракалпаниа, Бузатау-Қўнғирот, Денов-Узун-Шарғун, Узун-тожигистон чегара каби йўналишларда 650 км.дан ортиқ оптик магистрал алоқа линиялари қурилди ва захираланди.

11. “Корпоратив секторга мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун студиялар яратиш” лойиҳаси.

2015 йилларда вилоят марказларида жами 13 та Мультимедиа студияларни ташкил этилади.

Ҳозирда техник топшириқ ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқилмоқда.

12. “Ахборот-маълумот хизматлари марказини (Call-center) яратиш” лойиҳаси.

2014 йилда Тошкент шаҳридаги мавжуд марказ модернизация қилинди, ҳар бир вилоятда Call-center марказлари очилди ва жами 150 та янги иш ўринлари яратилди. Натижада давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи органлар томонидан аҳолига ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш учун имконият яратилди.

13. “Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини (Дата-центр) яратиш” лойиҳаси.

2014 йилда ДТИА (ПТЭО) ишлаб чиқилган ва тендер савдолари ўтказилди. Лойиҳа натижасида 2015 йилда Тошкент шаҳрида 1000 Тбайт сифимдаги Дата-центр ишга туширилади.

Ўзбекистон шароитида алоқа соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантиришни янада такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни кетма-кетлигини амалга ошириш тавсия қилинади:

1. Кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласида “Ўзбектелеком” АК да олиб борилган кадрлар сиёсати муҳим амалий аҳамият касб этади. Бироқ

таклиф сифатида компанияда хизмат кўрсатаётган айрим малакали ходимларни, хорижий операторларнинг фаолият жараёнлари билан айнан ўзлари танишиб чиқишлари мақсадида хорижий мамлакатларга жўнатиш режасини ишлаб чиқиш ва таъминлаш. Бунинг натижасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган айрим муаммоларнинг ечими топилган бўларди. Масалан, лойиҳа асосида хориждан келтирилган замонавий технологияларнинг функциялари билан боғлиқ баъзи муаммолар;

2. Инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига жалб қилинган инвестицияларнинг, айниқса ички инвестицияларнинг муҳимлигига янада эътибор қаратиш. Яъни компания миқёсида олиб борилаётган барча фаолиятлар доирасида ички инвестицияларни янада такомиллаштириш;
3. Маркетинг сиёсатини инвестицион фаолият соҳасида кенгайтириш.
4. Қонуний томондан хорижий сармоядорлар ҳуқуқини эркинлаштириш, яъни сармоядорларнинг ҳуқуқий дастурини, имтиёзларни аниқ белгилаб бериш ва шу билан биргаликда ўз фойдасини бемалол тақсимлай олиш ҳуқуқини яратиб бериш. Бунинг натижасида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланади;
5. Молиявий хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини соддалаштириш, кўчмас мулк бозорида хорижий капитал жалб қилишнинг реал ҳолатини таъминлаш, қонуний актлар ва инструкциялар тизими орқали бюрократик ҳаракатлар олдини олишни таъминлаш. Бу жиҳатдан асосий ҳисобга олиниши керак бўлган нарса бу, муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг сонини камайтиришдир;
6. Фонд бозорининг аниқ ва ишлайдиган тизимини яратишнинг зарурлиги, унинг қатнашчиларига маълум даражада қаттиқ ўйин қоидаларини белгилаб бериш. Ундаги айрим ҳаракатларнинг мажбурий эканлигини ҳисобга олиш ва риоя қилиш;

7. Импортёр давлатнинг бир қатор қулайликлари ва иқтисодийнинг тузилмавий қайта қурилишини таъминловчи тармоқ корхоналарига хорижий сармоя киритишнинг хусусиятларини белгилаб беришни таъминлаш;
8. Инфратузилма объектлари ва хусусий мулк, ер ва фойдадан ундириладиган солиқлар тизимига имтиёзлар киритиш, адолатли тарзда иқтисодий категориялар яратиш;
9. Маълум даражада лойиҳа фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган муаммоларни ечишда инвестицион банкларнинг қатнашуви асосида, лекин бунинг учун банк тизимининг қолдирилган ишларининг зарурлиги, ишончли ва бақувват банклар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий Банкининг оқилона ечим қабул қилиш чора тадбирларини амалга ошириш. Чунки ҳар қандай лойиҳани амалга тадбиқ этиш учун керакли миқдорда маблағ сарфланади, бунинг учун эса албатта йирик сармоядорлар бўлиши зарур ва унинг келажақда эришиладиган ютуқларидан мақсад фойда олиш ҳисобланади;
12. “Ўзбектелеком” АК UZMOBILE филиали хизматларидан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш мақсадида хориж инвестициясини жалб этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш. Чунки ички молиявий маблағлар ҳисобига филиални ривожлантириш имконияти чегараланган. Чет эл инвесторларини хизматлар сифатини такомиллаштириш ва уларнинг тезкорлигини ошириш йўли орқали қизиқтириш;
13. Давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш орқали, яъни ижтимоий инфратузилмаларига телефон ва интернет хизматларини кўрсатиш орқали давлат томонидан турли имтиёзларга эга бўлишни таъминлаш. Яъни компания бор имкониятларидан тўлалигича фойдаланиб, ўз салоҳиятини ошириш орқали ўзини намоён қилиши ва турли имтиёзларга эга бўлишини ҳисобга олиш;

14. “Ўзбектелеком” АК UZMOBILE филиали тақдим этаётган стандарт бу янги замонавий ва истиқболли стандарт эканлигини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича амалий ишларни олиб бориш. Қўшимча баъзи хизматлар кўрсатиш орқали фойдаланувчиларнинг эътиборини қозона олиш ҳамда шу йўл билан истеъмолчилар сонини янада ошириш;
15. Тошкент шаҳрида мавжуд кучли рақобат муҳитини ҳисобга олган ҳолда замонавий интернет хизматларини кўрсатишни таъминлаш мақсадида технологик жараёнларни янгилаш учун инвестиция сиёсатини устувор йўналишларини аниқлаш. Чунки ҳозирги шароитда, ушбу масалага эътиборни кўпроқ қаратиш фойдадан холи эмас. Инвестицион фаолиятнинг асосий жиҳати бу айнан янги ва замонавий хизматлар кўрсатишда намоён бўлади. Агар “Ўзбектелеком” АК Тошкент шаҳрида рақобатни бой берадиган бўлса, бу ҳолат вилоятларга ҳам ўз таъсирини ўтказди ва пировард натижада интернет хизматлари бозор улушини ўз-ўзидан пасайишига олиб келиши мумкин. Аммо, бу вазифаларни амалга оширишда компанияда етарлича имкониятлар мавжуд;
16. Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи операторлар ҳам интернет хизматларини кўрсатиш жараёнидан фаол иштирок этаётганлигини ҳисобга олган ҳолда вилоятларда ҳам барқарор бозор улушига эга бўлишини таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш. Бунинг учун филиаллар фаолият жараёнлари билан узлуксиз алоқада бўлиб туриш лозим;
17. “Ўзбектелеком” АК тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда кенг поласали абонент тармоқларини тараққий эттириш лозим.

Ш БОБ бўйича хулоса

Диссертация ишини бажаришда алоқа корхоналарининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳамда корхонанинг инвестицион жалб килувчанлигини ошириш бўйича бир қанча стратегиялар келтирилди.

Аҳолига “Ягона ойна” тизими орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича комплекс лойиҳасини самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар берилди. Ягона ойна тизими орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш сотув бўлимларининг анча унумдор ва самарали ишлашини, бозор талабларига жавоб берувчи хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини киритишни таъминлайди ва энг асосийси – Компанияни мижоз томонга ўгиришга, уни мижозга яқинроқ бўлишига имкон яратади ҳамда мижоз билан Компания ўртасидаги ўзаро муносабатларни енгиллаштиради.

Компанияни ривожлантириш стратегиясини самарали амалга ошириш учун авваламбор қайси йўналишларда амалий ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикрлар келтирилди.

Қўшимча хизматлар спектрини ривожлантириш ва кенгайтиришни жадаллаштириш ҳамда уларнинг ёйилиб бориши аҳолига хизмат сотувларини ривожлантиришнинг ажралмас қисмига айланиши керак. Аҳоли учун барча телекоммуникация хизматларини (мобил алоқадан ташқари) тақдим этишда ҳеч шубҳасиз етакчилик қилиш ва даромадларни диверсификациялаш мақсадлари берилган муддатларда амалга оширилиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда жаҳонда оммавий хизматларнинг шиддат билан ривожланишини эътиборга олган ҳолда бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш таклифлари берилди.

Умуман олганда телекоммуникация хизматлари бозорида “Ўзбектелеком” АК истеъмолчиларининг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини

инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон алоқа хизматлари бозорида ислохотлар ўтказилган сари дунё бозорига йўл кенгайиб, халқаро савдо ҳажми ва алоқа воситаларидан фойдаланиш даражаси ошиб боришини ҳисобга олиш зарур.

ХУЛОСА

Ҳозирги даврда корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар кўпинча жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни барқарорлаштириш ва етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустақам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбектелеком» АК телекоммуникация хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришда авваламбор диссертация ишида келтирилган таклифлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхоналарда бозор шароитида янгича ишлашлари учун корхонага ёрдам берувчи ва бозор шароитида фойда олишга, бозорда ўз ўрнини топишда ёрдам берувчи маркетингга эҳтиёжлари пайдо бўлиши керак. Ҳозирги кунда телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик ҳолатининг юзага келиши шароитида иш

юритиш телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустақкам бозор сегментига эга бўлишда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, «Ўзбектелеком» АК нинг ўз фаолияти доирасида амалга ошираётган ишлари, бажараётган вазифаларини кўриб чиқиш, унинг инвестиция фаолияти ҳолатини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни компаниянинг фаолияти жараёнида олиб борилаётган инвестиция лойиҳалари, унинг барқарор ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Компаниянинг инвестиция фаолияти “Ўзбектелеком” АК олдида турган, савдо бозорларини кенгайтириш ва мавжуд телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатбардошлик ҳолатини мустақкамлашга йўналтирилган асосий вазифаларни кечиктирмасдан амалга оширилишини тақозо этади.

Диссертация ишини бажаришда алоқа корхоналарининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳамда корхонанинг инвестицион жалб қилувчанлигини ошириш бўйича бир қанча стратегиялар келтирилди.

Аҳолига “Ягона ойна” тизими орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича комплекс лойиҳасини самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар берилди. Ягона ойна тизими орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш сотув бўлимларининг анча унумдор ва самарали ишлашини, бозор талабларига жавоб берувчи хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини киритишни таъминлайди ва энг асосийси – Компанияни мижоз томонга ўгиришга, уни мижозга яқинроқ бўлишига имкон яратади ҳамда мижоз билан Компания ўртасидаги ўзаро муносабатларни енгиллаштиради.

Компанияни ривожлантириш стратегиясини самарали амалга ошириш учун авваламбор қайси йўналишларда амалий ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикрлар келтирилди.

Қўшимча хизматлар спектрини ривожлантириш ва кенгайтиришни жадаллаштириш ҳамда уларнинг ёйилиб бориши аҳолига хизмат сотувларини ривожлантиришнинг ажралмас қисмига айланиши керак. Аҳоли учун барча телекоммуникация хизматларини (мобил алоқадан ташқари) тақдим этишда ҳеч шубҳасиз етакчилик қилиш ва даромадларни диверсификациялаш мақсадлари берилган муддатларда амалга оширилиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда жаҳонда оммавий хизматларнинг шиддат билан ривожланишини эътиборга олган ҳолда бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш таклифлари берилди.

Умуман олганда телекоммуникация хизматлари бозорида “Ўзбектелеком” АК истеъмолчиларининг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд хизматлар ёки технологик жараёнларни ривожлантиришда истеъмолчиларнинг келгуси талабларини инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация ва маълумот узатиш соҳаси бўйича миллий операторнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон алоқа хизматлари бозорида ислохотлар ўтказилган сари дунё бозорига йўл кенгайиб, халқаро савдо ҳажми ва алоқа воситаларидан фойдаланиш даражаси ошиб боришини ҳисобга олиш зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Фармон ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 165-сонли “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қарори. 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 458-сонли “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2000 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-916-сонли “Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2008 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузалари ва асарлари

6. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 270 бет. 1995 йил.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: -“Ўзбекистон”, 276 бет. 1997 йил.
8. И.А.Каримов. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабр.
9. И.А.Каримов. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш - олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2007 йил.
10. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Ўзбекистон”,

58 бет. 2008 йил.

11. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари //Т: Ўзбекистон, 56 бет. 2009 йил.

12. И.А.Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 20 январь.

Асосий қўлланма ва адабиётлар

13. Е.А.Голубецкая и др. Экономика связи. М. РиС 2006 год.

14. Т.Т.Жўраев Иқтисодий ресурслар доиравий айланиш жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. Тошкент, “Иқтисод-молия” 2006 йил.

15. Статистический сборник о деятельности администраций связи за 2007 г. Исполнительный Комитет РСС. М.: 2007 год.

16. “Ўзбектелеком” АКнинг 2012-2014 йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари.

17. ICT Trends in CIS Internation telecommunication union, Telecommunication development bureau. July 2008 year.

18. Internation telecommunication union World Telecommunication/ICT development report for 2008 year. Measuring ICT for Social and Economic Development

19. World Summit on the Information Society, Geneva 2003 - Tunis 2005. Outcome Documents. /ITU. Geneva, 2005.

Мақола ва маърузалар

20. А.М.Кодиров, К.Шакирова, Инновационный потенциал повышение конкурентоспособности национальной экономике. // Сбор. трудов. Мировой финансово-экономический кризис: национальные интересы и инновационная политика, том 2, 2009 год.

21. A.M.Kadirov, A.G.Nuriddinov Information technologies in improvement of system relations with clients.//The opportunities for Application of Information and Modern Technologies for Development of education and Economic Growth. T.: 2003, pp. 161-163 (TSTY Korean Association of Logos Management Ustoz Republican Foundation).

22. М.М.Махмудов Роль отрасли связи и информатизации. Ж. “Экономический вестник Узбекистана”, №6. стр. 17-20. 2003 год.

23. М.П.Нарзакулова Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш омиллари//“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат” Республика илмий-амалий конференция материаллари – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, 2 жилд. 2009 йил.

24. Н.Д.Шахбазова, Инвестиция фаолиятини ривожлантириш масалалари // “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион жиҳатлари” Республика илмий-амалий анжумани, Т.: 2014, 143-145 бетлар.

25. Н.Д.Шахбазова, Инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари // “Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш” Халқаро илмий-амалий анжумани, Т.: 2015, 643-644 бетлар.

26. Н.Д.Шахбазова, “Ўзбектелеком” АК да инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши ҳолати // “Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш” Халқаро илмий-амалий анжумани, Т.: 2015, 642-643 бетлар.

Монография ва авторефератлар

27. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» Монография -Т.: “Фан ва технология”, 2005 йил.

28. Х.А.Мухитдинов, О.К.Иминов Проблемы повышения финансово-экономической эффективности инфокоммуникационных услуг в Узбекистане. Ташкент. “Академия”. 2007 год.

29. Ш.А.Турсунов “Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини ривожлантириш истикболлари” Монография, Тошкент, 2013 йил.

Интернет ресурслар

30. <http://www.ccitt.uz> (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги)

31. <http://www.ict.gov.uz> (Компьютер ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш)

32. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

33. <http://www.uzinfocom.uz> (Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази)